

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ
КАФЕДРАСИ**

РЎЗИЕВА САДОҚАТ МЕҲРИДДИН ҚИЗИ

ХАЛҚАРО ШАРҲ: ФАКТ ВА ТАЛҚИН

(Inosmi.ru ва UzA сайтлари мисолида)

мавзусида 5220100 – журналистика (халқаро журналистика) таълим
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

«ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»

_____Халқаро журналистика
назарияси ва амалиёти кафедраси
мудираси ф.ф.н, доц. Н.Тошпўлатова

2015 йил «__» _____

ИЛМИЙ РАҲБАР:

_____ф.ф.н.,доц.А.Нурматов

2015 йил «__» _____

Тошкент – 2015

ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ:

Факультет декани: _____ А.Нурматов
Кафедра мудири: _____ Н.Тошпўлатова
Илмий раҳбар: _____ А.Нурматов
Расмий тақризчи: _____ Б.Абдуллаев

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: ХАЛҚАРО ШАРҲ: ФАКТ ВА ТАЛҚИН

(Inosmi.ru ва UzA сайтлари мисолида)

**ДАК қарори: ўзбек гуруҳи талабаси Рўзиева Садокат Меҳриддин қизининг
битирув малакавий иши**

«_____» га баҳолансин.

«_____» _____ 2015 йил

ДАК раиси:

В.Луқмонов

ДАК котибаси:

Д.Файзиева

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: Халқаро журналистика

Кафедра: Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти

Таълим йўналиши: Журналистика (халқаро журналистика)

“Тасдиқлайман”

Халқаро журналистика назарияси ва
амалиёти кафедраси мудири
ф.ф.н. Н.Тошпўлатова

“ ____ ” _____ 2015 й.

Битирув малакавий ишни бажаришга

ТОПШИРИҚ

Рўзиева Садоқат Меҳриддин қизи

1. БМИ мавзуси: “Халқаро шарҳ: факт ва талқин (Inosmi.ru ва Uza.uz сайти мисолида)”
2. БМИ мавзуси университетнинг 2014 йил 31 декабрь 267/б-сонли буйруғи билан тасдиқланган.
3. Тугалланган ишни топшириш муддати: 2015 йил “__” май
4. Битирув малакавий ишни ёзиш бўйича кўрсатма:

а) ишнинг бошланғич маълумотлари: меъёрий ҳужжатлар, Президент асарлари, мавзуга тегишли илмий-услубий ва назарий манбалар, танланган нашрлар тахламлари;

б) иш таркиби: кириш, 2 боб, 6 фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар;

в) ишнинг умумий ҳажми: ____ бет

г) ишнинг иловаси: тадқиқот бўйича чоп эттирган мақола ва тезисларнинг нусхаси;

д) ишни ёзиш режа-жадвалини 2015 йил “__” ____гача тақдим этиш;

е) ишни меъёрий талабларга мувофиқ расмийлаштириш 2015 йил “_1_” _май_.

5.Топшириқ берилган кун: 15.10. 2014

Илмий раҳбар

А.Нурматов

Битирувчи

С.Рўзиева

**Битирув малакавий ишнинг ҳар бир боб ва бўлимида бажариладиган
ишларга маслаҳатлар**

№	БМИ боб ва бўлимларининг Номлари	Илмий раҳбарнинг Ф.И.Ш	Топшириқ берилган сана, имзо	
			Топшириқ берди	Топшириқ олди
I.	Халқаро шарҳнинг жанр сифатидаги ўзига хосликлари	А.Нурматов	15.10.2014	15.10.2014
1.1.	Шарҳлаш журналистикасининг хусусиятлари	А.Нурматов	15.10.2014	15.10.2014
1.2.	Халқаро шарҳнинг тарихий тараққиёт босқичлари	А.Нурматов	15.10.2014	15.10.2014
1.3.	Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикасида халқаро шарҳловчилик мактабларининг шаклланиши	А.Нурматов	15.10.2014	15.10.2014
II.	Халқаро шарҳ тайёрлаш технологияси: хорижий ва миллий тажриба	А.Нурматов	26.01.2015	26.01.2015
2.1.	Inosmi.ru медиа порталида берилаётган халқаро шарҳлар таҳлили ва далиллар тўплаш маҳорати	А.Нурматов	26.01.2015	26.01.2015
2.2.	Uza.uz ҳамда Sharh.uz веб сайтида халқаро	А.Нурматов	26.01.2015	26.01.2015

	шарҳларнинг берилиши: ютуқ ва камчиликлар			
2.3.	Шарҳда фактлар талқини ва шарҳловчи позицияси	А.Нурматов	26.01.2015	26.01.2015

Битирув малакавий ишни бажариш жадвали

№	БМИ боб ва бўлимларининг Номлари	Бажариш муддати	Бажарилганлиг и ҳақида илмий рахбар имзоси
I.	Халқаро шарҳнинг жанр сифатидаги ўзига хосликлари	24.01.2015	
1.1.	Шарҳлаш журналистикасининг хусусиятлари	24.01.2015	
1.2.	Халқаро шарҳнинг тарихий тараққиёт босқичлари	24.01.2015	
1.3	Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикасида халқаро шарҳловчилик мактабларининг шаклланиши	24.01.2015	
II.	Халқаро шарҳ тайёрлаш технологияси: хорижий ва миллий тажриба	11.05.2015	
2.1.	Inosmi.ru порталида берилаётган халқаро шарҳлар таҳлили ва далиллар тўплаш маҳорати	11.05.2015	
2.2.	Uza.uz ҳамда Sharh.uz веб сайтида халқаро шарҳларнинг берилиши: ютуқ ва камчиликлар	11.05.2015	

2.3.	Шарҳда фактлар талқини ва шарҳловчи позицияси	11.05.2015	
------	---	------------	--

**“Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, “Ахборот асри” деб ном олган
XXI асрда ҳеч қайси давлат ёки жамият ўзини
темир девор билан ўраб яшай олмайди”¹
И.А.Каримов.**

КИРИШ

1 Каримов И.А. Энг асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 13.

Бугунги кунда ҳар бир давлат мустақиллиги унда яшаётган халқнинг канчалик мустақил фикр юритишига, ахборот чангалзорида ўз йўлини йўқотиб қўймаслигига, тинч юрт дарвозасини бузишга интилаётган ахборий зарбалар таъсирига тушиб қолмасликка, бир сўз билан айтганда – ахборотдан тўғри фойдалана олиш маданиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Аввалари мустақиллигимиз сарҳисоби йиллар билан ўлчанган бўлса, вақтнинг шиддаткорона учиши бу рақамларни асрларга тенглаштирмоқда. Бу йил хурлигимизнинг 24 йиллигини нишонлаймиз. Бу эса чорак аср дегани. Кўз очиб юмгунимизча чорак яримга, ярим эса бутунга айланади. Курраи замин тўхтовсиз айланиб бораверади. Урушлар ҳам, тинч кунлар ҳам, шахслар ҳам тарихга айланади. Бу бизга боғлиқ бўлмаган жараён. Лекин ана шу тарих ичида бизнинг тарихимиз қай даражада бўлиши фақат бизга, шу юрт тупроғида яшаётган ҳар бир инсонга боғлиқдир. Мустақилликка эришганимизга 20 йилдан ошди, лекин фикр мустақиллигига эришдикми? Халқимизни боғлаб турган кишанлардан озод бўлдикуя, лекин онгимизни занжирбанд этиб турган ғоялардан халос бўлдикми? Ҳа! Бироқ бу энди бамайлихотир юришимиз мумкин дегани эмас. Тўполонлар дунёсида ҳали ҳам халқларни ўзига бўйсундиришга, халқ ва ҳукуматни бир-бирига қарши қўйишга, одамлар ўртасида норозилик кайфиятини авж олдиришга уринаётган кучлар йўқ эмас. Ва улар бу ишни ахборотнинг таъсир этиш ва оғдириш хусусиятидан фойдаланиш орқали бажаришни энг осон ва таъсирли йўл сифатида танладилар.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ишнинг мавзуси шуниси билан аҳамиятлики, бугун ахборот ҳақиқий манипулятив технологияга айланиб улгурди ва журналистлар олдида турган бирламчи талаб ахборот уюми остида қолган инсонларга кичкина дарча очиб, нур аслида қаердалигини кўрсатишдан иборат бўлиб қолди. Ronald Meinardus² таърифи билан айтганда журналистик жанрлар қироли ҳисобланмиш шарҳ ёрдамида воқе-ҳодисаларнинг асл моҳиятини тушуниб етиш, бирор нарса ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш,

²Writing Commentaries: Queen of Journalism .By Ronald Meinardus.<http://www.fnf.org.ph/liberalopinion/writing-commentaries-queen-of-journalism.htm>.

тақдим қилинган ахборотларнинг асл мақсадини, давлатларнинг позициясини аниқ ва осон усулда қабул қилиш мумкин бўлади.

Сиёсатшунослар ҳеч бир давлат айри ҳолда мустақил бўла олмаслигини таъкидлашади. Биз ҳам халқаро майдонда фаолият юритаётган субъект сифатида унда кечаётган жараёнлар, янгиланишлар ва ўзгаришлардан беҳабар қола олмаймиз. “Оммавий ахборот воситалари ҳамиша онгга йўналтирилган масқадли таъсир этиш воситаси бўлиб келган. У орқали узатиладиган ҳар қандай ахборотнинг холис, тезкор, ҳаққоний, долзарб бўлишидан қатъий назар ўз таъсир этиш доира ва даражаси бор.”³ Шарҳлар орқали эса узатилаётган ахборотларнинг таъсир этиш доираси қанчалик кенг-торлиги, даражасининг паст-баландлиги таҳлил қилинади. Таҳлиллар натижасида воқеага нисбатан ўқувчида муносабат уйғотади, уни фикрлашга, яхшидан-ёмонни фарқлашга ундайди. Умуман олганда шарҳ жамиятнинг умумий дунёқарашни кенгайтиради ҳамда демократиянинг асл моҳиятини тушуниб етишга ўргатади. Биламизки, ахборотни тўғридан-тўғри қабул қилиш демократик фикрлаш тамойилига умуман зид.

Гоявий таҳдидлар, мафкуравий курашлар авж олаётган ушбу шароитда халқимизга дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг асл мақсадини тушунтириш, уларда воқеага нисбатан реал қарашларни шакллантириш, жараёнга тўғри муносабат уйғотишда халқаро шарҳловчиларга бўлган талаб ҳар кунгидан ҳам ортиб бормоқда.

2015 йил 1 январ ҳолатига кўра юртимизда 1392 та ОАВ фаолият юритаётган бўлса, шулардан, 689 та газета, 283 та журнал, 100 та ТВ ва радио, 304 та веб сайт⁴ халқимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирилишга хизмат қилмоқда. Бироқ ана шу рақамларнинг озгина қисмидагина халқаро шарҳ материалларини кузатишиш имконига эгамиз. Уларга “Хуррият”, “Миллий тикланиш”, “Адолат”, “XXI аср”, “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”,

3 Тошпўлатова Н. Журналистика психологияси. Т.:

4 <http://uzapi.gov.uz/uz/content/licence/statistics/>

“Моҳият” газеталарини киритишимиз мумкин. Аммо газета саҳифаларидаги барча шарҳларни ҳам халқаро ҳаётни тўлиқ ёритиб бераёпти деб айтиш бироз мушкул. Шунинг учун ҳам журналистиканинг бир бўлаги сифатида вужудга келган шарҳлаш журналистикасини ривожлантириш, талаба-журналистларни жанр ривожига муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш соҳа олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бунга эса назарий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда уни амалиётда қўллай олиш, хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ютуқ ва камчиликларимизни тўғри баҳолаш орқалигина эришилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Шарҳ жанри ҳақида илмий адабиётларда кўплаб маълумотлар учрасада, шарҳнинг бир тури ҳисобланган халқаро шарҳ борасида, жанрнинг тарихи, ривожланиш тамойиллари тўғрисида назарий жиҳатдан атрофлича фикр юритилмаган. Шу нуқтаи-назардан ишнинг мақсади этиб шарҳнинг тарихий тараққиёт босқичи, халқаро шарҳловчилартажрибасини ўрганиш, Ўзбекистон журналистикасида халқаро шарҳнинг аҳамиятини, журналистик жанрлар орасидаги ҳолатини таҳлил қилиш, бугунги глобаллашув шароитида халқаро шарҳнинг заруратга айланганлигини кўрсатиш белгиланди.

Тадқиқотнинг вазифалари. Мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни бажариш орқали амалга оширилиши кўзда тутилган:

- Жаҳон ва миллий журналистикасида шарҳ жанрига оид илмий маълумотларни ўрганиш, таҳлил этиш ва умумийлаштириш;
- Шарҳлаш журналистикаси, хусусан, халқаро шарҳ тарихи, назарияси, ривожланиш тамойилларини аниқлаш;
- Ахборотлашаган жамиятда халқаро шарҳ заруратини кўрсатиб бериш;
- Халқаро шарҳларни таҳлил қилиш давомида халқаро шарҳловчилар яратган мактабларни ўрганиш;
- Халқаро шарҳ ёзиш технологиясини таҳлил қилиш ҳамда хорижий ва миллий шарҳловчиларнинг бу борадаги тажрибасини қиёсий таққослаш.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Шарҳ атамаси гарчи узоқ йиллик ўтмишга бориб тақалсада, журналистик жанр сифатида у бизнинг юз

йилликда қўлланила бошланди. Шарҳ таҳлилий жанрлар сирасига киргани боис, таҳлилий журналистика мутахассислари жанрнинг маълум бир жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилганлар. Доцент В.В. Ворошилов, профессор М.Н. Ким, ф.ф.д. профессор А.А. Тертычный, А.В. Колесниченко ва бошқалар ўз адабиётларида шарҳнинг жанр сифатидаги хусусиятларини тушунтириб беришга уринадилар.

Ўзбекистонда бу борадаги маълумотлар профессор Ф.А. Мўминов, Х. Дўстмуҳаммедов, М. Худойкулов, А.Н. Нурматов, Н. Тўхлиева, А. Мелибоев ва бошқалар асарларида учрайди.

Интернет манбалари орқали берилаётган маълумотларнинг кўпчилиги бир-бирини такрорлайди. Барча манбаларда шарҳ жанри ҳақида қисман ёки тўлиқ тўхтинилган бўлсада, унинг айнан халқаро шарҳ тури борасида етарли ва асосли маълумотлар деярли учрамайди. Бу эса мавзу юзасидан ҳали мукамал тадқиқот иши оли борилмаганлигини кўрсатади.⁵

Тадқиқот объекти ва предмети. “Хуррият” газетаси, Иносми.ру медияпортали, УзА ва Sharh.uz сайти объект сифатида танланди. Шунингдек, бошқа муаллифларнинг материалларидан ҳам фойдаланилган. Тадқиқот **предмети** эса объектда белгиланганнашр ва сайтларда эълон қилинган ички ва халқаро шарҳлар. Даврийлиги 2014 – 2015 йиллар мисолида.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбекистон ва Жаҳон журналистикасида халқаро шарҳнинг назарий жиҳатлари етарлича ўрганилмаган. Ўзбекистон журналистикаси кутубхонасида ҳалигача халқаро шарҳ, шарҳлаш журналистикаси бўйича дарслик, монографиялар яратилмаган. Халқаро шарҳловчилар мактаблари жорий этилмаган. ЎзМУ журналистика ва ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултетларида мавзу бўйича ўтказилган сўровномалардан маълум бўлдики, мавзу яқин йиллар давомида номзодлик, докторлик диссертацияларида ўрганилмаган, бу эса тадқиқотнинг долзарблигини ҳам белгилайди.

5 1-иловада тўлиқ маълумот билан танишишингиз мумкин.

БМИнинг тузилиши: кириш, иккита боб, олтита фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг умумий ҳамжи 86бетни ташкил қилади.

ИБОБ. ХАЛҚАРО ШАРҲНИНГ ХАНР СИФАТИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

1.1. Шарҳлаш журналистикасининг хусусиятлари.

Дунё назарияси ва амалиётида халқаро журналистика учун характерли бўлган тўртта жанр мавжуд. Улардан биттаси – бу шарҳ. Шарҳ содир бўлган, айти пайтда юз бераётган ва келажакда кутилиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларнинг кенг омма учун тушунарли тилда ёзилган талқини ҳисобланади. Бу жанрнинг бошқа жанрлардан фарқловчи мураккаблиги шундаки, унда ҳам ахборий, ҳам таҳлилий, ҳам бадиий-публисистик жанрлар қоришувини кузатиш мумкин. Юқорида саналган жанрларга хос хусусиятлар, уларда учрайдиган элементлар бевосита шарҳда ҳам ўз аксини топади. Шарҳ жанрининг асосини муаллифнинг воқеа-ҳодисага билдирган очиқ баҳоси, таҳлили ташкил этади.

Шарҳ бугунги дунё ахборот бозорида янгиликлар – хабарлар каби энг кўп қўлланиладиган, етакчи жанрлардан биридир. Халқаро журналистикада шарҳ ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги, жаҳондаги энг муҳим воқеа-ҳодисаларни оммага тўғри, тез ва холис тушунтириб бериши билан ажралиб туради.

Т. Қаҳҳоров газета шарҳларнинг бешта хусусиятини санайди:⁶

- Ўқувчида фикр уйғотади ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаолроқ аралашшига ундайди;
- Воқелик ҳақидаги ахборот катта, чексиз ва тартибсиз; ўқувчининг улардан энг муҳимларини билиб олишига, тушунишига кўмаклашади;
- Ўқувчини керакли ахборотни танлашга, унга эркин, танқидий ёндошувга ўргатади; замоннинг энг муҳим муаммоларига оид суҳбат, баҳс, мунозаралар уюштиради;
- Қонун устуворлигини, маъсул лавозим эгаларининг жамоятчилик олдидаги маъсулиятини, муаммоларни адолатли ҳал этишни кўрсатиб туради;

6 ҚаҳҳоровТ. Шарҳлаш журналистикаси. Маърузлар матни. – Т. 2006. – Б. 28.

- Баъзан газеталарда бирёқлама фикру қарашлар, қарорлар акс этишига ёки муаммолар бирёқлама, чала хал қилинишига ҳам жамоатни қўниктира бошлайди.

Халқаро журналистикадаги шарҳ эса Англия ва АҚШ матбуоти талабларига кўра тузилган “Профессионал маҳорат сари тўрт кадам”⁷ номли ўқув қўлланмасида қуйидагича тавсифланади:

Шарҳ бирор нима бўйича фикрлаш, тушунча беришни англатади. У

- Бировдан қасд олиш
- Ҳис-туйғуларни англатиш
- Эмоционал хаяжонни етказиш воситаси бўлиши мумкин эмас.

Шарҳда

- Ижтимоий муҳим бўлган нимадир етказиб берилиши;
- Ишонарли аргументлар келтирилиш;
- Ахборотга уйғун танқид акс этиши;
- Муаллифни тинглаётган ўқувчига тушунарли;
- Равон, яхши ёзилган бўлиши керак.

Ҳар бир материал ўз услуги ва дастхатига эга бўлиши, фактларга баҳо бериш ва таҳлил қилиш тартиб асосига қурилиши, нигоҳ (фокус) бирор мавзуга қаратилиши, жонли янги ракурс, баъзан зиддиятли услубдан фойдаланиши; ўқувчини мавзуга янги нуқтаи назардан қарашини қозониш; ҳикоя қилиш эмас, кўрсатиб бериш; фикрни ўқувчига қарши қўйиш эмас, мисоллар келтириш; муаллиф тажрибасига эмас, мавзуга эътиборни қаратиш; оҳангдаги узвий мутаносибликка амал қилиш⁸ кабиларни ҳисобга олиши зарур.

Шарҳнинг ўзига хослиги яна шундаки, у ахборот бозоридаги харидорнинг эҳтиёжига кўра тайёрланади. Ҳар бир ўлканинг ўзига хослигини кўзда тутганда, шарҳ мавзулари ва ёритилиш шакли ҳам бир-биридан фарқланиши мумкин.

7 IWPR (уруш ва тинчликни ёритиш институти). Профессионал маҳорат сари тўрт кадам. Журналистика бўйича ўқув қўлланма. – Т. 2002. – Б. 28.

8 Ўша манба (11-12 бетлар).

Ўзбекистон стратегиясида белгилаб қўйилгандек, у бошқа давлатларнинг ички ишларишга аралашмайди. “Биз дунёнинг турли ўлкаларида давом этаётган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақатгина сиёсий йўл билан, тинчлик йўли билан ҳал этиш тарафдоримиз”.⁹ Шунинг учун ҳам бизнинг матбуотимизда халқаро конфликтларга нисбатан кескин танқидий рухдаги шарҳлар учрамайди. Шарҳларнингкўпи президент фармонлари, қарорлар, қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг таҳлили юзасидан ёзилади. 2015 йил 21 май ҳолатига кўра УЗА сайтда “Янги қонун шарҳи” рукни остида қуйидаги шарҳларни кузатиш мумкин.¹⁰

№	Материал номи	Жой-ган куни ва соати:	Қайси қарор ёки қонун юзасидан:	Муаллиф:
1	“ <u>Янги акциз маркалар жорий этилади</u> ”	03.03.15 20:26	2015 йил 11 февралдаги “Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори.	Норгул Абдураимова, ЎЗА
2	“ <u>Қонун ижросига бағишланди</u> ”	23.02.15 13:12	“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонун	Тошкул Бекназаров, ЎЗА
3	“ <u>Мурожаат этиш ҳуқуқининг асослари</u> ”	05.02.15 16:58	2014 йил 4 декабрда қучга кирган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари	Норгул Абдураимова, ЎЗА

⁹<http://uza.uz/oz/politics/tganlarni-khotirlash-keksalarni-ezozlash-bizning-farzandlik--09-05-2015>

http://uza.uz/бош_саҳифа

			тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни	
4	<u>Фуқаролар мурожаати доимий эътиборда</u>	30.01.15 11:13	“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларитўғрисида”г и қонун	Т.Бекназаров, ЎзА
5	<u>Электрон мурожаат: тезкор, қулай ва самарали</u>	29.01.15 16:20	2014 йил 4 декабрдан кучга кирган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни	Норгул Абдураимова, ЎзА
7	<u>Иқтисодий ўсиш суръати янада ошади</u>	22.01.15 14:31		Норгул Абдураимова, ЎзА
8	<u>Қонун ижросига бағишланди</u>	16.01.15 16:07	“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни	Ғ.Ҳасанов, ЎзА

Шунингдек ижтимоий, маданий, фан ва таълимга оид УзА сайтидаги таҳлилларнинг ҳам кўпчилигида юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга эътибор қаратилади. Шу каби материалларда шарҳнинг тарғибот воситаси сифатидаги ўрни яққол кўзга ташланади. Шарҳда тарғибот муҳим сиёсий, ижтимоий ҳодисани оммага кенг тушинтиришда, унга боғлиқ ғоя ва мақсадни, тажрибани омма ҳаётига кириб боришида катта хизмат қилади. Бу жиҳати билан шарҳдаги тарғибот прогрессивдир ва у жамият юксалишига хизмат қилади.

Баъзи тадқиқотчилар, пропаганда, яъни тарғибот бор ерда журналистика тугайди, дейишади. Журналист Тохир Қахҳор бунга бирёқлама тушунча

сифатида баҳо беради. “Ижобий тарғиботнинг журналистика ва унинг жамият ривожига ўз ўрни бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки тарғиботда ўргатиш, тушунтириш хоссаси мавжуд”.¹¹

Шарҳлаш журналистикаси назарияси ва амалиёти мутахассиси Ирисмат Абдуҳолиқов “Халқаро шарҳ жанрининг долзарб масалалари”¹² тезисида “Шарҳда қуйидаги нарсалардан айниқса эҳтиёт бўлиш керак”, дейди. “Агарда шарҳда далилга нисбатан ғоя, мантиққа нисбатан мафкура, холисликка нисбатан сиёсат, чуқур мантиқли асослаш ўрнига тарғибот-ташвиқот устун келса, бундай шарҳ ўз қадрини, шарҳловчи ва ОАВ эса ўз обрўси ва ишончини йўқотади. Очик айтиш керак, бундай шарҳ халққа ҳам, давлатга ҳам фақат зарар келтиради.”

Иккала мутахассиснинг ҳам фикрларини инкор этмаган ҳолда тарғиботнинг ижобий ва салбий томонлари мавжудлигини қайд этмоқчимиз. Тарғибот бирор нарсани, фикрни, ғояни тарғиб қилиш демакдир. Бу айниқса, мустақиллик остонасида турган ёки унга эришган, ҳар-хил мафкуравий таҳдидлар хавфи остида қолган миллат учун, халқ орасида ёйилган нотўғри тушунчаларни бартараф этиш ва аслида нима тўғрилигини кўрсатишда муҳим ижобий ҳодиса сифатида ўзини намоён қилади. Бироқ доим бир хил мавзуларнинг “чайналиши” халқ орасида тескари таъсир қилиш жараёнини юзага келтиради. Эндиликда шу мавзуда бирор қизиқ ва муҳим воқеа шарҳланса ҳам аудиторияда унга нисбатан бепарво қараш шаклланади.

Шарҳда ҳодисанинг муҳимлигини кўрсатиш ва унинг моҳиятини очиб бериш бирламчи вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда, албатта, таҳлилнинг ўрни катта. Айнан таҳлилнинг мавжудлиги ўқувчининг жараён ёки воқе-

11 Қаххор Т. Шарҳлаш журналистикаси. Маърузалар матни. – Т., 2006. – Б. 6.

12 Абдуҳолиқов И. Халқаро шарҳ жанрининг долзарб масалалари. Электрон оммавий ахборот воситаларида маънавий-маърифий масалаларнинг ёритилиши: назария ва амалиёт (илмий мақолалар тўплами), 2012. – Б. 49-54.

ходисага тўғри муносабатини шакллантиради, ахборотларни саралаш маданиятини оширади. Баъзан ОАВ орқали берилаётган шарҳларнинг кўпчилиги чуқур таҳлил, муаллифнинг фактлар билан ишлаш маҳорати, мантикий мушоҳада юритиш қобилияти етишмаслиги туфайли қуруқ ва рангсиз бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам муҳим масалалар мавзусига бағишланган шарҳлар ҳам ўқувчи ёки тингловчи томонидан пассив тарзда қабул қилинади. Профессор-ўқитувчилар ўз маърузаларини тамомлаганларидан сўнг одатда аудиторияга саволлар борми дея мурожаат қилади. Агар талаба-ўқувчилар орасидан бирорта ҳам савол чиқмаса, мавзу ёки шу қадар зўр ўзлаштирилган ёки умуман ўзлаштирилмаган бўлади. Бизнингча, иккинчи вариант ҳақиқатга яқинроқ. Шарҳда ҳам худди шундай. Шарҳловчи қабул қилинган бирор қонун ёки ундаги ўзгартиришлар ҳақида ёзар экан, ёки унинг мазмун-моҳиятини тўла очиб беради, ёки шунчаки баён қилиш билан чекланади. Иккинчи ҳолатда ҳукумат халқ фаровонлиги, давлат равнақи учун қандай қонун қабул қилмасин, у амалда бажарилмай қолиб кетади. Аҳоли ўзи учун яратилаётган шароитлардан фойдаланиш имконини бой беради. Фикримиз юзасидан ушбу шарҳга эътибор қаратамиз: УЗА сайтида 2015 йил 22 январда соат 14:31да эълон қилинган “Иқтисодий ўсиш суръати яна ошди”¹³ сарлавҳали шарҳ. Шарҳнинг лид қисми куйидаги гап билан бошланади: **жамиятимизда тадбиркорлик муҳити тобора мустаҳкамланиб бораётгани юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга замин яратмоқда. “Замин яратиш” сўз бирикмасининг қўлланилиши юртимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли фаровонлиги ва бандлиги юзасидан айтарли ҳеч қандай иш қилинмаганлиги, бунинг учун энди шарт-шароит яратилаётганини англатади. Ваҳоланки, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодий соҳага катта эътибо бериб келинган. Биргина ўзбек моделининг устувор йўналишларидан бири этиб иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги белгилаб қўйилган. Кўпгина ривожланган мамлакатлар бугун кичик бизнеснинг**

13 Уза.уз сайти.

иқтисодий ўсишдаги ўрнини тушуниб бораётган бир шароитда бизда аллақачон хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мустаҳкам қонуний асослари яратилди. Шундай экан гапни қуйидагича бошлаш ўринлидир, яъни **жамиятимизда тадбиркорлик муҳитининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда муҳим таянч вазифасини ўтамоқда.**

Бу шунчаки сўз қўлланиши билан боғлиқ бўлган камчилик. Бироқ шарҳ, биринчи навбатда, қубул қилинган қонун матнини такрорламаслиги, ҳисоботдаги каби баён этиб кетмаслиги, аксинча унинг мазмун-моҳиятини, аҳоли учун қанчалик фойдалилигини, қўлланиш ўринларини кўрсатиб бериши керак. Юқоридаги шарҳнинг ҳам ёзилишидан асосий мақсад тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлар фаолиятини осонлаштириш юзасидан қубул қилинган қонунларни тушунтириш ва бу қандай имкониятларни очиши мумкинлигини шарҳлаш эди. Бироқ унинг расмий тили юқоридагиларни тўлиқ тушунишга тўсқинлик қилади. Шарҳга киритилган бир нечта қонунлар ўқувчида “гап ўзи қайси қонун ҳақида кетаётганди?” қабилидаги саволни пайдо қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу жанрда қалам тебратмоқчи бўлган журналистлар шарҳнинг композициясини, унда маълумотларни жойлаштиришнинг кетма-кетлигини яхшилаб билиб олишлари керак. Соҳанинг назарий билимдонларидан А. Нурматова ва Н. Тўхлиеванинг республикамызда илк бор чоп этилган “Шарҳлаш журналистикаси” ўқув қўлланмасида шарҳнинг тузилиши қуйидагича берилади:

Кириш қисми. Мавзу ёки муаммонинг номиёқ унинг долзарб ёки муҳимлигидан далолат беради. Ўқувчига нима ҳақда ёзмоқчи эканингизни айтинг.

Асосий қисм. Бу қисмда сизнинг асос ва далилларингиз тақдим этилади. Бу, бир томондан, масаланинг муҳимлигини кўрсатса, иккинчи томондан, уни рад этади. Бир томонлама асослар оммага унчалик маъқул келмаслиги ёддан чиқарманг. Ўқувчига қарши томоннинг, яъни оппонентларнинг ҳам фикрини баён қилинг.

Яқун. Ўзингизни позициянгизни кўрсатинг. Бу ўқувчини бирор нарсага ишонишга ёки бирор ҳаракат бошлашга ундайди. Яъни қон топширишга, Конституцияни қўллаб-қувватлашга ёки якшанба куни овоз беришга чорлаш ва ҳ.к.¹⁴

Шарҳда фактлар масаласи алоҳида ўринни эгаллайди. “факт, далилларсиз шарҳ бўлмайди. Бироқ уни факт ҳамда далилларга тўла ҳисобот билан

¹⁴Нурматов А., Тўхлиева Н. Шарҳлаш журналисткаси. – Т.: «Баёз», 2013. – Б. 26.

алмаштирмаслик керак. Бежизга шарҳ журналистиканинг энг қалтис, шу билан бирга, юксак жанри сифатида баҳоланмайди. Шарҳда фактлар келтирилган фикрларни жонлантириш, исботлаш, рад этиш ёки маъқуллаш учун ишлатилади. Шу ўринда айтиш жоизки, факт ва далиллардан фойдаланаётиб, қайси турдаги шарҳларни ёзаётганингиз ғоятда муҳим. Масалан, иқтисодий шарҳларда статистик маълумот ва рақамларга алоҳида урғу берган маъқул. Сиёсий шарҳларда эса урғу далилларга эмас, кўпроқ ҳодисанинг таҳлиliga, моҳиятига йўналтирилиши мақсадга мувофиқ. Факт эса унинг исботи учун хизмат қилади.”¹⁵

Шарҳга хос хусусиятлар бошқа журналистик жанрлар учун ҳам характерли бўлиши мумкин. Шарҳни бошқа жанрлар билан чалкаштириб юбормаслик учун эса шарҳнинг улардан фарқланувчи ва ўхшаш томонларини билиб олиш муҳим. Қуйидаги жадвал¹⁶да ана шу жиҳатлар солиштирилади:

Жанр тури	Шарҳ	Мақола	Ҳисобот
Предмети	Юз берган воқеа-ҳодиса, мавзу;	Муаммо, масала, вазифа;	Йиғилиш, тадбир, конференция;
Мақсади ва вазифаси	Тушунтириш, изоҳлаш, муносабат билдириш, муносабатни шакллантириш, тезкор ечим таклиф этиш;	Чуқур таҳлил, предметни тадқиқ этиш, хулосалар чиқариш;	Воқеалар силсиласини бор ҳолича ҳикоя қилиб бериш;
Методлари	Таққослаш, талқин этиш, зиддиятли услубдан фойдаланиш, воқеалар панорамаси, тасаввур парвози, дедукция.	Тадқиқ ва таҳлил этиш, факт ва рақамларни келтириш, анкеталаштириш ва сўров ўтказиш, далиллаш ва исботлаш.	Ҳикоя қилиш, иштирокчилар фикрини батафсил бериш.
Ёритиш принциплари	Субъективлик, тезкорлик, фикрнинг таъсирчанлиги, қарши фикр, плюрализм.	Аниқлик, холислик, миқёснинг кенглиги, салмоқ, танқидий муносабат.	Аниқлик, долзарблик.

¹⁵ Шарҳ – жанговар жанр. Хуррият газетаси. № 24 (880), 2014 йил/24 июн/4-саҳифа.

¹⁶Нурматов А., Тўхлиева Н. Шарҳлаш журналистикаси. – Т.: «Баёз»,2013. – Б. 18.

Турлари	Очиқ шарх, пардаланган шарх, ноихтиёрий шарх	Умумтадқиқий, амалий-таҳлилий, мунозарали, илмий-оммабоп, диний маърифий.	Умумий, мавзуий, изоҳли.
Тил хусусиятлари	Сифатлашлар, феълларнинг услубий бўёқдор шакллари қўлланиши, бадиий-тасвирий воситалардан фойдаланиш.	Мураккаб феълларнинг қўлланилиши.	Феълларни кўп ишлатиш, аниқ, содда сўзларни кўп қўллаш.

Шарх юқорида қайд этилганидек, бошқа жанрларнинг таркибий қисми сифатида келиши мумкин. Масалан, матбуот конференцияларида “бўлиб ўтган воқеаларни сиз қандай шархлайсиз?” каби саволлар тез-тез қулоққа чалинади. Бу каби интервьюларни ҳам кичик-шарх қаторига киргазиш мумкин. Фақат бунда воқеага нисбатан чуқур таҳлил, кенг мулоҳаза ҳамда фактларни объектив баҳолаш устунлик қилиши лозим.

Шархлаш журналистикасининг яна бир муҳим, бошқа жанрлардан фарқловчи хусусиятларидан бири – бу унинг субъективлиги. Айнан шу хусусият туфайли ўқувчи таҳририят позициясини билиб олиши мумкин.

1.2. Халқаро шархнинг тарихий тараққиёт босқичлари.

Журналистика аслида қачон яралган, журналистик жанрларчи? Бу савол хали дунё назариясида аниқ бир ечимини топгани йўқ. Дунёда мутлоқ янги нарса йўқ. Нимадир пайдо бўлди, демак унинг тарихи илдиздари ҳам бор. XVII аср реформация давридаги ҳақиқий кундалик матбуотнинг пайдо бўлишигача ўтган вақт оралиғида ҳам журналистиканинг хусусиятларининг элементлари мавжуд эди. Ўша пайтлардаёқ инсонлар ахборот алмашинув жараёнининг фаол субъекти сифатида ижтимоий хабарларни етказиш вазифасини бажарганлар.

Скандинавия мифологиясида Один ва унинг икки қарғаси – Хугин ва Мугин ҳақида шундай ривоят бор: ҳар тонг Один икки қарғани бутун дунё устидан учиб ўтишга юборар экан. Нонушта пайти улар қайтиб келиб, кўрган ва эшитган барча янгиликларини Одиннинг елкасига ўтирган ҳолда шивирлаб айтиб беришаркан. Бу икки қарға бажарган функция бугунги халқаро журналистлар фаолиятига жуда ўхшаш. Фарқи шундаки, бугун бутун дунёда кечаётган жараёнлар журналистлар томонидан шивирлаб эмас, балки баралла айтилмоқда. Глобаллашув ахборотни яширишга шунчаки имкон қолдирмади.

Шарҳ сўзи арабча сўз бўлиб, ўзбекчада изоҳлаш, баён қилиш, тушунтириш маъноларига эга. “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да шарҳ сўзининг изоҳдан ташқари англатиш, билдириш, хабардор қилиш, баён этиш маънолари ҳам берилган.

Шарҳ аслида икки хил маънода қўлланилади: биринчиси китоблар учун ёзиладиган шарҳлар, иккинчиси журналистик жанр нуқтаи-назаридан ёзиладиган шарҳлар. Шарҳнинг тарихий тараққиёт босқичи айнан китоб шарҳларига бориб тақалади. Антик даврлардан бошлаб илмий, адабий, диний асарларга шарҳлар битилган. Аристотелнинг “Метафизика” асарига Фаробийнинг арабчада ёзган шарҳи анча машҳур бўлган. Маарийнинг арабча “Лузумияти”га, Румийнинг форсча “Маснавийи маънавий”сига битилган туркий шарҳлар ёки Навоий “Хамса”сига ёзилган шарҳлар ҳам донг қозонган. Мусолмон оламида Муқаддас китобимиз ва ҳадисларга, фикҳ (қонун) китобларига ёзилган шарҳлардан кенг фойдаланилган.

Профессор Ф. Мўминов “Журналистика ижтимоий институт сифатида” монографиясида шарҳдаги (комментарий) тушунтириш хоссасига ҳам алоҳида тўхталиб, қонун ҳуқуқини акс эттиради, “ҳуқуқшунос қонуннинг ўзини тушунтириб бермайди, балки унинг моҳиятини ёритиб беради; уни оммабоп мақолада, журналистик асарда, масалан шарҳдагина тушунтириб бериш

мумкин” дейдики, бу ҳам шарҳнинг тушунтириб бериш хусусиятига берилган юксак баҳодир.¹⁷

Шарҳнинг биринчи вазифаси тушунтириш эканини ҳисобга олсак, антикдаврдаги нотиқларнинг халқ олдидаги чиқишларини телевизион шарҳнинг дастлабки кўринишлари деб ҳисоблаш мумкин. Афина нотиқлик санъати етакчиси Исократ шундай ёзган эди: “бир-биримизни ишонтириш ва нимани хоҳласак ўшани тушинтира олиш каби туғма қобилиятга эга бўлишимиз нафақат ҳайвоний ҳаёт тарзини итқитиб ташлаш, балки ҳамкорликда шаҳарлар барпо этиш, қонунлар чиқариш, ҳунармандчилик ва санъатни кашф этиш имконини беради ва умуман биз томондан нимаики ўйлаб чиқилган ва ихтиро этилган бўлса, бу инсон нутқининг биринчи яратиш хусусиятидир”.¹⁸ Демак, ҳар қандай нутқ асоси ёзма ёки оғзаки бўлишидан қатъий назар шундай пухталиққа эга бўлиши керакки, у ҳам масала моҳиятини тушунтирсин, ҳам оммани унга ишонтирсин. Эрамизгача бўлган даврлардаёқ белгилаб қўйилган бу талаб бугунги замонавий аср шарҳларида ҳам бирламчи хусусият сифатида ўз аксини топмоқда.

Шарҳ халқаро мазмунга эга бўлиши учун унда дунё жамоатчилиги нигоҳи қадалган мавзулар, давлатларни бир-бири билан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий томондан боғлаб турувчи жиҳатлар, дунё халқлари учун аҳамиятга эга бўлган масалалар кўтарилиши лозим. Эрамизгача бўлган даврда яшаб, ижод этган Аристотель нотиқ бешта масала бўйича ўз фикрини билдира олиши зарурлигини таъкидлайди. Улар:

- Молиявий аҳвол;
- Уруш ва тинчлик;
- Ватан ҳимояси;
- Маҳсулотларни олиб кетиш ва чиқариш;
- Қонунчилик.

17 Қаҳҳоров Т. Шарҳлаш журналистикаси/ маъруза матни. – Т.:2006. Б.1-2.

18 Жаҳон журналистикаси тарихи.Маъруза матни.

Бугунги халқаро шарҳлар хроникасида ҳам юқоридаги мавзуларнинг етакчилиқ қилаётганини кузатиш мумкин.

Уруш ва тинчлик мавзуси ҳеч қачон ўзининг долзарблигини йўқотмайди. Инсон ташқи томондан битта организмдан иборат бўлса ҳам, унинг ботинида иккита организм ўзаро кураш олиб боради. Инсон психологияси шундай мураккаб тузилишга эгаки, у атрофида ҳеч ким бўлмаса ҳам ўзи билан ўзи урушиб қолишдан ҳам, ўзига нисбатан агрессив кайфиятда бўлишдан ҳам тоймайди. Иккита одам тўқнашга жойда эса манфаатлар тўқнашуви содир бўлади, ҳеч ким ён беришни истамайди. Миллатларнинг тўқнашуви иккала миллатнинг ҳам емирилишигача олиб келади, ҳамма шу емирилш учун курашади. Давлатларнинг тўқнашуви оқибатида эса бизни ўраб турган табиат ва унда яшаётган жамият парокандаликка юз тутади. Буни олдини олишга ҳеч кимнинг кучи етмайди гўё. Гўё бу азалий қонуниятдек. Айнан шу масала халқаро шарҳловчиларнинг энг ёқтирган мавзулари ҳисобланади. Урушнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг ўчоқлари, манфаатдор кучлар, зарарлар, оқибатлар – буларнинг барчаси шарҳ орқалигина ўқувчига батафсил ва тушунарли тарзда етиб боради.

“...Юлий Цезар даврида кўплаб хаттотлар матнларни кўчириб ёзганлар, тарқатганлар ва шу тариқа улар тезда кўпчиликка маълум бўлган. Цезар ҳам ўз навбатида юришлари, давлат бошқаруви хусусидаги ишларни қайд этиб борган. “Шарҳлар” деб аталган бу асарларда асосан ёзиб олинган тезкор маълумотлар ва душман устидан қозонилган ғалабаси ҳақидаги ҳисоботлари битилган. Цезар шарҳларини “кундалик” деб атасак ҳам бўлади. Мазкур қайдномаларнинг журналистикага яқинлаштирувчи асосий қирраларидан бири – бу тарих ва оммавий аудитория учун аталган ижтимоий аҳамиятга молик масалаларнинг тезкорлик билан ёритилганлиги, шунингдек мазкур қайдномаларнинг даврийлигидир.”¹⁹

19Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Т.: «Университет», 1998. – Б. 22.

¹⁷Ўша манба. Б. 24.

Шарқ мамлакатларидаги журналистикагача бўлган кўринишлар Сомонийлардан тортиб Темурий сулолалар яшаган даврда ҳам кўзга ташланади. Ф. Мўминов “Журналистика ижтимоий институт сифатида”²⁰ монографиясидада мавзуга оид қизиқарли маълумотлар учрайди: “Деярли барча ҳукмдорлар ўз саройларида коммуникация хизматини ташкил этишган. Бу бўлимлар давлатнинг барча бурчакларига марказий ҳокимиятнинг фармонлари ва буйруқларини тайёрлашар, кўпайтиришар ва тарқатишар, жойлардаги аҳвол ҳақидаги маълумотни ҳукмдорларига етказишар эди.” Профессор илмий иш мавзусига тегишли бўлган энг муҳим жиҳат ҳақида ёзадики, унга кўра, “юқори ҳокимият томонидан қабул қилинган хабарларни халқ оммасига осон ва ишонарли ҳолатда тушинтиришга катта эътибор бериларди.” Осон ва ишонарли тушунтириш эса шарҳнинг муҳим қонуниятларидандир.

Англия ва Француз буржуа революцияси даврида публицистика одамларнинг ижтимоий фаоллашувига, сиёсий жараёнларга аралашувига ўзининг сезиларли таъсирини ўтказди. Базелда, Цюрихда, Страсбургда, Майнцда, Эрфрутда, Бреслауда, Лейпцигда, Вюртенбургда, Дрезденда, Аугсбергда, Нюрнбургда нашр этилган “учар варақалар” орқали хабарлар халқ орасида жуда тез тарқала бошланди.

1590 йил Тимофеус Ритцш Лейпцигда “Ахборот бор” деб номланган газетани нашр этди. Орадан 10 йил ўтгач “Ҳарбий ва халқаро майдонда содир бўлган янгиликлар коди” деб номланувчи газета нашр эта бошлади²¹. Демак халқаро шарҳ жанрининг илк элементлари XVII асрдан бошлаб қўлланила бошланган. Тўғри у пайтда шарҳ бугунги замонавий жанр хусусиятларини ўзида тўлиқ акс эттирмаган. У фақат халқаро майдонда содир бўлаётган янгиликларни узатиш методи сифатида намоён бўлган.

XIX асрга келиб рус журналистикасида шарҳ мустақил жанр сифатида шакллана бошлади. Бу давр журналистикасини “Вестник Европы”

20

21 Ўша манба. Б. 42.

журнали бошлаб берди. У деярли 30 йилга якин вақт оралиғида чиқиб турди (1802 – 1830). Журналнинг биринчи муҳаррири Н.М. Карамзин 1804 йилда сарой тарихчиси (историограф) этиб тайинлангандан сўнг журнал аудиторияси кескин камаяди. Бунинг асосий сабаби эса сиёсий шарҳлар (обзор) ва публицистик мақолаларнинг мунтазам равишда бериб борилмаслигида эди. В.Г. Белинскийнинг фикрича, бу журнал XX аср бошларида зерикарли, куруқ ва “рангсиз” бўлган. (В начале 20-х годов «Вестник Европы» был идеалом мертвенности, сухости, скуки и какой-то старческой заплесневелости.)²²

Бу “омадсиз” журналнинг ёпилишидан 38 йил ўтиб, унинг анча жонланган ва қизиқарли мазмун-мундарижадан иборат иккинчи нашри босмадан чиқди. “Вестник Европы” “узоқ умр кўрган” ойлик журналлардан бири бўлиб, у қонун, хусусий мулк бошқаруви ва янги ислохотлар ҳақидаги ғояларни кенг тарқатишда етакчи нашр ҳисобланган. Зиёлилар қатламининг доимий ўқувчилари газетининг 10 йил ичида бир хил тиражда чиқишини таъминлаб берди (19 асрнинг 70 йилларида 6 минг ва 1905 йилда 6400 нафар обуначиси бор эди). У сифатли полиграфияга эга бўлиб, доимий вақтда нашрдан чиқарди. Журнал икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи бўлим прозага оид асарлар (беллетристика) ва илмий-тарихий мазмундаги мақолалар, иккинчи бўлим ички, халқаро ва адабий шарҳлар (обозрения) ҳамда публицистик мақолалар, библиографик қайдномалардан (заметка) иборат материаллардан ташкил топган эди. Воқеаларни ёритиш маҳорати таҳсинга лойиқ бўлиб, шаҳар ташқарисидаги кичик маълумотдан тортиб, Париждаги халқаро кўргазмаларгача ахборот бериларди.

Журналнинг 1802 йил босмадан чиққан биринчи сониди “Сиёсат” рукни остида “Умумий шарҳ” (“Всеобщее обозрение”)²³ номли материал эълон қилинди. Унда Европанинг урушдан кейинги ҳолати тасвирланади: “Ниҳоят Европада тинчлик. Кўплаб мамлакатларнинг илдизини титратган ва

22 Ворошилов В.В. Журналистика: учебник /— 7-е изд., стер. — М. : КНОРУС, 2010. — С. 23.

23 Всеобщее обозрение. “Вестник Европы”. 1802 йилдаги 1-сон 66- бет. (eurovestnik.ru)

хавфсизлигига раҳна солган ўн йиллик урушнинг дахшатлари йўқолди.... Энди биз Европани ёдга оламиз. Унинг аввалги ва ҳозирги ҳолатини солиштирамиз ва ўн йил ичида рўй берган улкан сиёсий ўзгаришлардан хайратга тушамиз. Бутун бошли вилоятлар тамомила йўқолиб кетди. Полша қани, Венециячи? Италия ва Германиядаги кўплаб князликлар қайга йўқолди? Бу ҳали ҳаммаси эмас. Франциядаги революция яшинлари Африкани ҳам четлаб ўтмади. (где славные египетские беи и древние мамелюки?) Европада янги ҳудудлар пайдо бўлди. Бу ерда буюк Этрури салтанати ва номи қайта тикланди; бу ерда Ломбардия Чизалтия Республикасига айланди; Ўртаер денгизи бўйларида янги Иония падо бўлди. Давлатлар чегаралари ўзгариб кетди ва энди сиёсий харита тузувчиларга яна иш топилди.”

“...Шуни қайд этиш керакки, фақатгина битта Европа давлати қонли революция урушидан омон қолди. У ҳам бўлса аввал французлар, сўнгра инглизлар устига бостириб боришга тайёр бўлган Шведциядир. Густаванинг ўлими шведларнинг республикани вайрон қилиш ҳақидаги қарорини йўққа чиқарган бўлса, Павл I нинг вафоти инглизларга қарши ҳужумини тўхтатди...”²⁴

Шарҳ мавзуси шундай маҳорат билан ёритилганки, муаллиф воқеаларни баён қилиш орқали ўқувчига ўша даврдаги Европа манзарасини кўрсатиб беролган. Ўхшатишлардан ўз ўрнида ва самарали фойдалана олган. Муаллиф содир бўлган воқеанинг оқибатлари ҳақида кенгроқ фикр юритишга ҳаракат қилган.²⁵ Бироқ ўша даврларда халқаро мавзуларни қаламга олишда бир қатор тўсиқларга дуч келинарни. Масалан, 1825 йилдан чиқа бошлаган Ф.В. Булгариннинг “Северная пчела” газетаси ўша даврнинг энг реакцион нашри ҳисобланган. Бу газетадан ташқари барча хусусий нашрларга сиёсат оламини ёритиш таъқиқланган эди. А.С. Пушкин ҳам унинг бир нечта сонларида қатнашган ва 1830 йил 2 майда П.А. Вяземскийга йўллаган мактубида газета ҳақида шундай ёзади: нахотки “Северная пчела”дан ташқари ҳеч ким

24 Қаралсин: eurovestnik.ru

25 Иловада асл матн келтирилган.

Мексикадаги зилзила натижасида депутатлар хонаси сетябргача ёпик бўлишини эълон қилишга ботинолмайди? («Неужто, кроме «Северной пчелы», никто не смеет у нас объявить, что в Мексике было землетрясение, и что Камера депутатов закрыто до сентября?»)²⁶. Бу далиллар ўша пайтларда халқаро шарҳнинг жанр сифатида юксалишига бир қатор таъқиқлар мавжуд бўлганлигини исботлайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан матбуот соҳасида сезиларли янгиланиш даври бошланди. Бунга асосий сабаб 1861 йилги ислохотлар ва Қрим урушининг тугаши эди. 1855 йилдан сўнг деярли барча марказий нашрлар ички ва ташқи сиёсат борасидаги баҳс-мунозараларни эълон қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Россия журналистикасидаги жонланиш рус-турк уруши туфайли янада авж олди. 1870 йилда газеталарнинг умумий салмоғи 36 тани ташкил этган бўлса, 1871 йилда 51 та, 1881 йилда 83 тага етди. Нашрларда қарама-қарши фикрлар жанги бошланди.

Косарев Сергей Иванович ўзининг “1877-1878 йиллардаги Рус-турк уруши. Россия ва Англия вақтли матбуоти мисолида” (“Русско-Турецкая война 1877 – 1878 гг. В оценках российской и английской периодической печати”) ²⁷ номли тадқиқот ишида Урушни ёритишда “жонбозлик” кўрсатган Россиядаги

26 Ворошилов В.В. Журналистика: учебник /— 7-е изд., стер. — М. : КНОРУС, 2010. — С. 25.

27 scienceport.ru РУССКО-ТУРЕЦКАЯ ВОЙНА 1877–1878 ГГ. В ОЦЕНКАХ РОССИЙСКОЙ И АНГЛИЙСКОЙ ПЕРИОДИЧЕСКОЙ ПЕЧАТИ..

энг асосий 17²⁸ та ва Англиядаги 10²⁹ та нашрларни келтириб ўтади ва бу маълумотлар орқали XIX аср охирларида халқаро шарҳ жанр сифатида ривожлана бошлаганлигини қайд этиш мумкин.

Ушбу нашрларда берилган шарҳларда томонлар позициясини кўрсатувчи хусусиятлар акс эта бошлади. Англия нашрлари ўзини “тўртинчи ҳокимият” мақомидаги журналистика сифатида намоён қилишга уринсалар, Россия кўпроқ халқ орасида бетараф атмосфера муҳитини яратишга ҳаракат қиларди. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, XIX аср ўрталаридан ўтиб, рус матбуотидаги шарҳларда муаллиф позицияси яққолроқ намоён бўла бошлади.

Миллий матбуотимизда ҳам халқаро мавзуларни ёритишга алоҳида эътибор берилган. Шарҳларда тахририят позицияси, муаллифнинг воқеага муносабати шундоқ сезилиб турган.

Тараққий газетасининг №3 сонида эълон қилинган “Тошкент 22 июнь”³⁰ сарлавҳали мақолада рус-япон уруши сабабларидан бири этиб ҳукуматнинг номақбул сиёсати кўрсатилади. Муаллиф унинг оқибатларини шарҳлар экан,

28 **Либерал газета ва журналлар:** «Вестник Европы» (1877–1878, 1883 гг.); «Отечественные записки» (1878 г.); «Неделя» (1876–1877 гг.); «Голос» (1865, 1877–1878 гг.); «Русские ведомости» (1877–1878 гг.); «Русское обозрение» (1877 г.). «С-Петербургские ведомости» (1877–1879 гг.); «Биржевые ведомости» (1877–1879 гг.); «Биржевая газета» (1878–1879 гг.); «Сын Отечества» (1877–1878 гг.). **Ҳукуматга оид ва консерватив газета ва журналлар:** «Гражданин» (1877–1878 гг.); «Русский мир» (1875, 1877 гг.); «Московские ведомости» (1864, 1871, 1876–1878 гг.); «Новое время» (1876–1879 гг.); «Правительственный вестник» (1876–1879 гг.); «Русь» (1877 г.); «Русская правда» (1879 г.).

29 «The Times» (London) (1876–1880 гг.), «Standard» (London) (1877–1878 гг.); «Morning Post» (London) (1877–1878 гг.); «Daily Telegraph» (London) (1877–1878 гг.); «Pall Mall Gazette» (London) (1877–1878 гг.); «Globe» (London) (1877–1878 гг.); ва либерал нашрлар «Daily News» (London) (1877–1878 гг.); «Economist» (London) (1877–1878 гг.); «Manchester Guardian» (Manchester) (1877–1878 гг.); «Echo» (London) (1877–1878 гг.).

30 “Тараққий” газетаси, 1906 йил, 3- сон, 1- бет.

“лашкарни боқмоқ”, жанг асбоблари олмоқ, мансабдор ва амалдорларга вазифа бермоқ, лашкарни тегишли жойларга тезлик билан еткурмакка зарур бўладурғон оташ араваларнинг йўлларини барпо қилмоқ ва бошқа маблағни топишнинг энг осон йўли халққа турли солиқлар солиб ундириб олиш эканлигини алоҳида таъкидлайди. Халқнинг оғир ва машаққатли меҳнати эвазига бунёдга келган озгина маблағни шу йўл билан ундан тортиб олиб “ва яна халқни дин ва иймонга тааллуғи бор афсоналар билан баттар озғуриб итоат қафасида тутадурлар”³¹

Муаллиф рус-япон урушини ёритиш орқали газетанинг халқаро мавзуларга бефарқ эмаслигини, шунингдек тахририятнинг рус ҳукуматига қарши позициясини яққол намоён этган. Бу каби шарҳларни очиқ шарҳ деб атаса бўлади. Сабаби унда очиқ кўриниб турган воқеа-ҳодиса шарҳланган.

Газетанинг №9 сониди “Қозон шахрида”³² деган мақола чоп этилди. Унда қора гуруҳларнинг Қозон шахридаги яхудий ва мусулмонларга, ҳуррият талаб қилувчиларга тазйиқ қилгани, мусулмонлар уларга қарши курашгани айтилган.

Тошкентда ҳам шундай ҳаракатлар юз бермаслиги учун доимо иттифок бўлиб туриш керак, дейди ва қора гуруҳ одамларига шундай тавсиф беради: “динда ва сўзда, матбуотда ва бошқа нарсаларда ҳуррият қилувчи равшан замин ва зиёлик зотларга энг даражада душманликлари ила баробар Россия мамлакати фақат руслар учун ва ҳам руслардин бошқа умумхалқни насоро бўлмоғини тиловчи ва насоро динига даъват қилғувчи миссионерларга жон ва моллари ила қувват бериб бор мусулмонларни ҳам биринчи душман кишилари дир”³³.

31 Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. Биринчи жилд. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти. 2008. – Б.142-143.

32 “Тараққий” газетаси, 1906 йил, 9- сон, 2- бет.

33 Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. Биринчи жилд. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти. 2008. – Б.145.

Гарчи бу материал мақола номи остида берилган бўлсада, унда халқаро шарҳнинг барча жанр хусусиятлари мавжуд. Хусусан, мақоланинг предметини муаммо, масала, вазифа, шарҳникини эса юз берган воқеа-ҳодиса, мавзу ташкил қилади.³⁴ Қозон шаҳрида юз берган воқеа юзасидан ёзилган бу материални соф шарҳга киритиш мумкин. Материал мақолага айланиши учун унинг мавзуси ҳеч бўлмаганда “Дин ва дунё” деб номланиши, унда эътиқод масаласининг бугунги кундаги аҳволи атрофлича ўрганилиши, фикрларни далиллаш учун эса Қозон шаҳридаги воқеани факт сифатида келтириш ўринлидир. Шарҳда бўлиб ўтган воқеа атрофлича таҳлил қилинса, мақолада у муаммонинг бир бўлаги сифатида намоён бўлади.

Газетада “Хорижия хабарлари”, “Мамлакат хабарлари”, “Русия хабарлари”, “Тошкент ахбори” сингари рукнлар остида берилган материалларда мусулмонлар ва ғайридинлар ўртасида юзага келган муаммолар ва унинг оқибатларини тушунтирига ҳаракат қилинган. Мусулмонлар мамлакатда бошланган қонли тўқнашувлар натижасида ўз ерларини тарк этиб, Туркияга хижрат қилаётгани ҳақида ёзилар экан, бу билан ғайридинлар мусулмонларга жуда кўп таъзиқ ўтказётгани таъкидланади. Шунингдек, газета хабарларида инқилоб ҳақидаги воқеалар эмас, балки миллий мустақилликка интилаётган мусулмон дунёсидаги воқеалар кўпроқ ўз аксини топган.

Газетада ҳар бир материал аниқ нуқтаи-назардан таҳлил қилинар, “қоса тагида нимқоса” усули муаллифларга бегона эди. Воқеанинг ёки салбий, ёки ижобий томони очиқбериларди. Масалан, бир хабарда Туркия мамлакатида бўлиб ўтган воқеалардан хабар бериларкан, у жойда Султоннинг махфий жосуслик хизмати бошлиғи вафот этгач, Султон берган оқчаларга қаноатланмай, унинг ўғли отасидан қолган ҳужжатларни олиб чет элга қочиб кетгани ва ўша ҳужжатлар эвазига Европадан кўпроғ маблағ умидида бўлгани айтилади. Газета бу хабарни шунчаки келтириб ўтмайди. Унга нисбатан ўз қарашларни баён қилиб, мол-дунё илинжидаги бу хоинлик энг жирканч ҳолат

34 Нурматов А., Тўхлиева Н. Шарҳлаш журналистикаси. Ўқув қўлланма.- Т.: BAYOZ. 2013. – Б. 18.

эканлигини таъкидлайди. Отаси мол-дунё илинжида бошқа давлатларнинг “ботил сирларини” ўз давлатига ташиган бўлса, ўғли ҳам худди мана шу илинжда ўз давлатини, миллатини сотишга бориб етди, деб хулоса қилади.³⁵

Шарҳда очикдан-очик айблаш характери сезилиб турибди. Хулосада ота ва ўғил мақсадини қаршилантириш орқали ўқувчиларни вазиятни тўғри баҳолашга ўргатади, ҳатто биргина инсоннинг нотўғри хатти-ҳаракатитуфайли ҳам бутун давлат обрўси ер билан яксон бўлиши мумкинлиги изоҳланади.

Шарҳ бу шунчаки тушунтириш воситаси эмас, балки муносабат ҳам уйғотишда муҳим ўрин тутади. Ҳатто биздан анча километр узоқликда юз берган воқеа-ҳодиса ҳақидаги шарҳларни ўқир эканмиз, ундан ўзимизга керакли хулосаларни чиқаришимиз лозимлигини тушуниб етамиз.

Дунё ахборот асрига қадам қўйиши билан барча соҳалар каби журналистикада, хусусан журналистик жанрлар орасида ҳам сезиларли ўзгаришлар кўзга кўрина бошлади. Халқаро мавзулар қаторига янги урушлар номлари, одам савдоси, халқаро терроризм, глобал иқлим ўзгаришлари, ахборот хуружи, ахборот манипуляциси ва шунга ўхшаш номлар келиб қўшилди. Бугунга келиб халқаро шарҳлар чуқур сиёсий тус ола бошлади ва ахборот чангалзорида ҳар бир давлатнинг ҳимоя ёпинчиғига айланиб улгурди. Замонавий босқичдаги шарҳларнинг таҳлилига II бобдан батафсил тўхталамиз.

1.3. Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикасида халқаро шарҳловчилик мактабларининг шаклланиши.

Жаҳондаги биринчи шарҳ ким томонидан ёзилганлигини биласизми, миллий матбуотимизда берилган дастлабки шарҳларничи? Бу саволга жавоб

35 Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. Биринчи жилд. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2008. –Б. 146.

топиш бирор арифметик мисолни бажаришга қараганда анча қийинроқ. Журналистика назариясига тегишли манбаларни титкилаш ҳамда мутахассисларнинг фикрларини ўрганиш давомида шунга амин бўлдики, бу жанр элементлари антик даврларда ҳам мавжуд бўлган. Лекин замонавий кўринишдаги шарҳлар яқин юз йилликдан буён журналистик жанрлар орасида ўзини юқори рейтингини сақлаш учун курашиб келмоқда.

Жаҳон тарихида 1620 йил билан боғлиқ бўлган кўплаб воқеалар бор. Журналистика олами учун эса бу рақамларнинг аҳамияти, асосан, иккита воқеа билан муҳимдир. Улардан бири Франция, иккинчиси Германия номи билан боғлиқ: 1620 йил Амстердамда чиққан “Куран д Италие э Альман” Франциядаги биринчи газета бўлди. “Алманах” номи ҳам айнан шундан олинган.³⁶ Иккинчидан, 1620 йил қирол почтасининг хизматчиси, Майндаги Франкфурт шаҳри фуқароси Иоган Фон Биргден хабарларни қандай қабул этган бўлса, шундайлигича эмас, балки ўзининг шарҳи билан нашр эта бошлади. Шундай қилиб у журналистика тарихида илк бор замонавий тушунчадаги шарҳловчи сифатида танилди.³⁷ Биринчи журналистик шарҳ эса Луиса Себастьян Мерсьенинг “Париж шарҳлари” (“Обозрения Парижа”) китобидаги “Боб”ларга нисбатан айтилади. Сабаби у ўзининг ўн икки томлик нашрининг бир нечта “Боб”ларини биринчилардан бўлиб газетада эълон қилади.³⁸ Бироқ унгача Плутарх (46-120 й.), хитойлик Ван Ан Хи (1021-1086 й.), Монтен (XV аср) матнларида ҳам шарҳнинг элементлари мавжуд эди.

36 Мўминов Ф.А., Нурматов А.Н., Солиева М.О. Жаҳон журналистикаси тарихи. – Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти”, 2006. – 170 б.

37

Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Т.: “Университет”, 1998. – 43 б.

Тертычный А.А. Аналитическая журналистика: Учеб. Пособие для студентов вузов / – 2-е изд., испр и доп. – М.: Аспект Пресс, 2013. – 282 с.

38 Тертычный А.А. Аналитическая журналистика: Учеб. Пособие для студентов вузов / А.А. Тертычный. – 2-е изд., испр и доп. – М.: Аспект Пресс, 2013. – 11 с.

Юқоридаги фаслда биз халқаро шарҳнинг босиб ўтган тарихий йўлини кўриб чиқдик. Бу фаслда эса журналист –шарҳловчилар ҳақида фикр юритамиз.

XIX асрнинг 20 йиллари бошларида “Вестник Европы”, “Сыне отечества”, “Полярная звезда” ва шунга ўхшаш нашрларда янги таҳлилий жанр – шарҳ (обозрение) пайдо бўлди. Унинг асосий кўринишларини адабий ва сиёсий (ички сиёсатни ёритувчи), шунингдек халқаро ва матбуот шарҳлари (обзоры печати) ташкил этарди. Ўша даврнинг энг кўзга кўринган шарҳловчиларидан бири А.Ф. Бестужев адабий шарҳларнинг муаллифларидан бири эди. Унинг материаллари чуқур таҳлил, хабардорлик даражасининг юқорилиги, сюжет тузилиши билан бошқаларникидан фарқланарди. У каби маҳоратли шарҳловчилар рўйхатида Н.В. Шелгунов, Н.Ф. Анненский, Л.А. Полонский, С.Н. Кривенко, Г.З. Елисеевни ҳам киритиш мумкин. К.А. Сколковский ҳамда П.Н. Кудявцевнинг сиёсий ва халқаро шарҳлар эса ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган.³⁹

Миллий матбуотимиздаги шарҳловчилар мактабини қуйидагича давраштириш мумкин: мустақилликкача ва мустақилликдан сўнг.

Европада матбуот тижорий хусусиятда вужудга келди. Унинг биринчи функцияси инсонларга маълум товар ва хизматлар ҳақида ахборот бериш, юз берган ҳодиса бўйича уларни хабардор қилишдан иборат эди. Бизда эса журналистиканинг пайдо бўлиш шарт-шароитлари миллатимиз онгини ўстириш, давр сиёсатининг асл моҳиятини очиқ бериш, халқимизни ўзлигини унутиб, кўр-кўрона мустабид тузум ғояларига эргашиб кетишини олдини олиш вазифалари билан белгиланади. Шу нуқтаи-назардан кўққмасдан айта оламизки, миллий матбуотимизнинг асосий мақсад ва вазифаси ахборот тарқатиш эмас, балки халқ орасида тарқатилган ахборотлар замирида кимнинг манфаатлари ётганлигини ва биз ана шу манфаатдорлар кўғирчоғига айланиб бораётганлигимизни тушунтиришдан, яъни шарҳлашдан иборат эди. Буни

даврининг газета ва журналларида чоп этилган материаллардан ҳам билса бўлади.⁴⁰

Миллий матбуотимиз тарихида халқаро мавзуларни қаламга олиб, уни ўзининг таҳлиллари ва фактлар билан бойитган, ҳақиқий халқаро шарҳловчилар табиатига хос бўлган жасорат ва матонатни вужудида жамлаштирган инсонлар йўқ эмас. Улардан бири “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухоролик мударриснинг мунозараси”, “Мухтасар Ислом тарихи”, “Ҳинд сайёҳининг қиссаси”, “Юрт қайғуси”, “Мусулмон севгиси” асарларида халқаро мавзуларни кўтариб чиққан Абдурауф Фитратдир. Унинг “Шарқ сиёсати” рисоласи миллий журналистикамиз тарихида ёзилган халқаро шарҳ сифатида қимматли манбалардан бир ҳисобланади. Рисола жаҳон урушидан кейин давом этаётган ва урушда қатнашган Оврупа мамлакатларининг Шарқни ўзаро бўлиб олиш сиёсатига қарши миллий руҳда ёзилганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир. У дастлаб “Иштирокиюн” газетасида (1919 йил, 23, 25, 26 октябр), сўнгра Тошкентда алоҳида рисола ҳолида чоп этилган. 1991 йилда Бухородаги “Навқирон Бухоро” илмий маркази томонидан қайта нашр этилган.⁴¹ Шарҳнинг кириш қисмига эътибор қаратинг:

“Бир кун қон тенгизларинда ботган, тамуғ ўтларинда кўмилган Шарқ бир кун тинчлик ва тараққий бешиги эди. Бу кун оёқлар тагинда эзилган Шарқ бир кун маданиятнинг йўлбошчиси, билим ва ҳунарнинг ўчоғи эди. Оврўпа дунёси ваҳшат ва билмаслик чўлларинда обдирабшовқин-тошқин юрар экан, Шарқ дунёси бутун инсоният оламини саодат ва тинчлик ўчоқлариға эришдурмак учун иш кўруб турар эди. Оврўпа(да) бир маҳалла оқсоқоллиғи йўқ экан, Шарқнинг «кўзқучинос», «бараҳма», «исо», «зардушт» ва Муҳаммадлари бутун одам ўғулларини бир нуқтада тўплаб тўғри ва билгили йўлга киргузмак

40 Қаранг: Б. Дўстқораев. Ўзбекистон журналистикаси тарихи: дарслик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 380 б.

41 Қаранг: <http://www.e-tarix.uz/milliyat-insholari/jadid-matbuoti/952-maqola.html>

учун тиришар эдилар. Чинлилар ёзиш учун қоғоз ясаганда оврўпалилар ўнг-сўл кўллари бир-бириндан айира олмас эдилар. Замон бузғунлариндан кутулуб тарих дунёсинда қолган Хитой маданиятининг излари бу кун даҳи оврўпалиларни ҳайрон қилмоқдадир. Бу кун тирикликнинг ҳар ёғиндан қараганда тараққий ва саодатнинг сўнг босқичини босиб ўтган оврўпалилар орасинда Ҳиндустонда бўлиб ўтган маданият замонларини кўрмагани учун қайғурган билғучилар бордир”⁴².

Муаллиф киришда шундай манипулятив технологиядан фойдаланганки, Шарқ ва Европани солиштириш орқали уқувчини тамаддун аслида Шарқдан бошланганлиги, Шарқ халқларининг қанчалик олдинга илгарилаб кетганлигини аниқ ва ишонарли фактлар билан келтиради. Бу худди миллий аудиторияга қарата “сиз кўр-кўрона эргашаётган, тақлид қилаётган Европа аслида шундай эди” деган хайқириққа ўхшайди. Фитрат шарҳ ёзиш технологиясидан яхши хабардор эди. Аввал ўқувчилар онгида Шарқнинг ижобий қиёфасини яратишга ҳаракат қилади. Агар шарҳни бирдан танқид руҳи билан суғурса, ўқувчи уни тушинишни истамайди, аксинча танқидий сўзлар миллат онгига сингиб бораверади ва бу кўникмага ҳам айланиш хавфидан йироқ эмас.

“Европаликлар дин ва қилисотаассублариға берилиб, билмасликнинг энг теран чуқурлариға тушган чоғда араблар, мусулмонлар, Юнон, Эрон ва Ҳиндустонда кўмуллуб қолган маданиятни тиргузганликларини исботлайдилар. “Мусулмон маданиятининг эгалари ёлғуз ўзларининг эмас, бутун бошарият дунёсининг тинчлик, тараққий ва саодати учун тиришар эдилар. Унлар ҳозирғи маданий йиртғучиларкаби ўзлариндан бўлмаган миллатларни ҳайвон санамас эдилар. Тўғридурким, мусулмонлар даҳи бошқа миллатларға қаршу уруш очдилар: тўғридирким, мусулмонлар даҳи бошқаларнинг ўлкаларини олурға тиришдилар ва олдилар, лекин унларнинг жаҳонгирлиқлари бу кунги маданий

42: <http://www.e-tarix.uz/milliyat-insholari/jadid-matbuoti/952-maqola.html>

Оврўпанинг жаҳонгирлиғи каби олинган ўлкаларнинг улусларини таламоқ, эзмақ, йикитмоқ учун эмас, унларни янглиш йўлдан қайтармоқ, унларнинг орасинда кириб “ҳақ” дея топилган ўз фикрларини унларга қабулэтдирмақ, бутун дунё улусини “ҳақ” ва “ҳақиқат” теграсинда тўпдамоқ учун эди.⁴³

Фитрат халқаро шарҳловчиларга хос бўлган сиёсий етук шахс сифатида ҳам фақатгина Ўрта Осиё минтақасидаги муаммоларни муҳокамага олибгина қолмай, Африка, Америка қитъасидаги воқеликларни мисол тариқасида келтиради. “Африқоға кирган мусулмонлар Амриқо ва Африқони босқон маданий оврупалилардек ерли халқни битирмақ учун тиришмадилар. Унларға маданият бердилар. Амриқоға кўноқ бўлуб кирган Оврупа маданийлари Амриқо ерли халқини битираёздилар, буни билмаган йўқдир. Африқони босиб олган Оврупа жаҳонгирлари у ердаги қора халқни ўлат каби ўлдуруб туралар. Ҳолбуки, мусулмонлар Африқонинг Жазойир, Тунис, Фаскаби ўрунларини олғач, у ерларни тараққий этдурдилар, халқини тинчлантурдилар, унлар ичидан буюк одамлар етушдирдилар. Шарқ ўзининг тарихи, сиёсати, ҳунари, инсофи, адолати, ахлоқи ва хидмату эътиборлари билан унча юксалмиш, у қадар тараққий этмиш эдиким, тасаввури ҳам бизнинг мияларимизга сиғмайдур. Шарқ маданий йиртғучи эмас эди. Шарқ бошқаларнинг халқларини олмас эди.”Унинг бутун жаҳондаги воқеликларни қаламга олганлигига яна бир мисол. “Билим ва ҳунардан юз қайтардик, бирлик ва ахлоқдан айрилдук, оқчаға берилдик, оқчаға сотилдук, шунинг сўнгида Хитой, Турк, Форс, Араб ва Ҳинд мамлакатлариндан ҳар бири ўз кўнуғи билан, ўз навбати билан тинчлик ва тараққий босқичлариндан қуллик, йўқсуллик чуқурлариға юмалаб туша бошладилар. Шарқнинг бутун ишлари онгсиз беклар, тушунчасиз хонлар, миясиз муллалар, билимсиз эшонларнинг қўлиға ўтди. Бунлар Шарқнинг бутун тузук ва интизомини бузуб юбордилар. Хонлар ўз қоринларини тўйдирмоқ учун

43¹<http://www.e-tarix.uz/milliyat-insholari/jadid-matbuoti/952-maqola.html>

халқни бир-бири билан урушдирдилар, мамлакатнинг жонли ва муҳим ўрунларини сотдилар, муллалар ўз иставлариға «дин» отини тоқиб бозорға чиқардилар, дин, тангри, пайғамбар, учмох ва тамуғ орқали Шарқ халқини талай бошладилар. Шарқнинг тараққий йўли кўмулди. Саодат ва тинчлик эшиклари боғланди, саодатнинг энг юксак тепасига чиққан Шарқ йўқсулликнинг энг теран чуқуриға тушди. Шарқнинг Хитойи, Эрони, Турони, Арабистон билан Ҳиндустони бариси бир туртки ўт билан, билмаслик ва ғафлат ўти билан ёниб битди.”⁴⁴

Шарқнинг бу ғафлат босиб ётган вақтида эса Европа уйғониш палласида эди. Улар бу фурсатдан фойдаланиб, оч қолган йирқдай Шарққа бостириб келганини айтиб ўтади. Бу жойда ҳам шарҳловчининг жонли тили кўзга ташланади. “Дунёнинг энг ёғли бир бўлаги бўлган Шарқ йиртғучи ҳайвонлар орасинда қолган семиз, лекин кучсиз бир қўй ҳолатини олди. Оврупа йиртғучилари Шарқнинг ҳар ёниндан солдурдилар. Тиш, тирноқлариға илинган ерларини йиртиб, узуб олабердилар. Бояқиш Шарқ ўз жонини қутқарғали кўб тиришди, тебранди, қичқирди, додлади, югурди, ҳамла қилди, қочди, кўрқутди, ялинди, эсига келган ҳар йўлга кириб кўрди.”⁴⁵

Фитратнинг 1918 йилда нашр этилган Англиз ва Туркистон⁴⁶ мақоласини ҳам соф шарҳга киритиш мумкин. Шарҳнинг лид қисми шундай бошланади: “Мундан икки ой бурун “Туркистонда англиз мудофаасини сақтамоқ учун Чин кўшуни келмоқчи эмиш” деган бир хабар чиқғанда “Хуррият” газетаси икки мақола ила фикрини билдирган ва Туркистон сиёсийларини уйғоқликқа чақирган эди. Бу кун иш бир оз очилди: Туркистонға англиз вакиллари, англиз жосуслари кела бошладилар.” Киришда бўлиб ўтган воқеа баёни

44Ўша манба.

45 Ўша манба.

46<http://www.e-tarix.uz/milliyat-insholari/jadid-matbuoti/952-maqola.html> (Асл манба: «Хуррият», 1918 йил, 29 март, 82-сон.).

берилиб, асосий қисмда фактлар, таҳлиллар кетма-кет жойлаштирилади. Муаллиф ўз позициясини кўрсатиб туради. Муаллиф ўткир кинояли бўлиб, шарҳдаги ўхшатишлар ҳам буни кўрсатиб турибди. Масалан муаллиф бир ўринда “британия тулкилари” иборасини қўллайди ва бу орқали масалага очикдан-очик баҳо беради:

“Англизлар билан Туркистон орасинда Афғон ва Чин ҳукуматлари бордир. Ажабо **Британия тулкилари** Туркистонимизга бурунларини суқмоқучун Чин ҳукумати биланми онглашадилар. Афғон ҳукумати биланми?”⁴⁷

Бу жумлалар сиёсат оламидаги яна бир муҳим жиҳатни – ҳеч бир давлат якка ўзи бирор давлатга қарши чиқа олмаслигини, албатта у қўллаб-қувватловчи бошқа кучларга таяниб ҳаракатланишини исботлайди.

Муаллиф шарҳи матнида бештагача сўроқ оҳангидаги гаплардан фойдаланган. “Англиз билан иттифоқ этмак – герман ва туркга қарши чиқмоқдир. Афғон ҳукумати бу йўлга кирарми?”, “Туркистонни дахи Ҳиндустон каби ютмоқчи бўлган англизлар бу уруш майдонидан қандай чиқарлар? Мағлубми? Мағлуб чиқарлар эса, Туркистонни қайси куч билан сақларлар?” ва бошқалар. Бундан шундай хулоса чиқадики, Фитрат ахборотни инсонлар онгига таъсир эттириш механизмларини яхши билган. Чунки сўров методи ўқувчининг материал билан мулоқот ўрнатишига имкон беради. Ўқувчи бу шарҳни ўқиб бўлгандан кейин ҳам хотирасининг бир бурчагида сақланиб қолган саволларга жавоб топишга уринади. Шунингдек, муаллифнинг “Сиёсий ҳоллар”⁴⁸ materialiда ҳам Россия ва Италия қўшинлари ва юришлари ҳақида фикр юритади.

47 <http://www.e-tarix.uz/milliyat-insholari/jadid-matbuoti/952-maqola.html>.

48 <http://www.e-tarix.uz/milliyat-insholari/jadid-matbuoti/952-maqola.html> (Асл манба: «Хуррият», 1917 йил, 49-сон.).

Фитрат билан бир қаторда жадинларнинг раҳнамоларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудий асарларида ҳам шарҳ услуби ҳамда муҳим халқаро мавзулар кўтарилганлигини кузатиш мумкин. Шундай материаллардан бири “Фавқулудда таклиф”⁴⁹ мақоласидир. Шарҳ жанрининг хусусиятларидан бири аудиторияга аввалдан маълум бўлган воқе-ҳодиса ҳақида изоҳлар келтиришлигини ҳисобга олиб, эътиборингизни ушбу киришга қаратмоқчимиз: “3 январ баъдаз жума Самарқанднинг мунажжим Мирзо Улуғбек мадрасаси ичиндаги жомеъда беш-олти минг мусулмон ҳузуринда муаззин тарафидан усули жадинчиларни ва русча ўқутмоқға ташвиқ қилатургонларни кофирлиги ва ҳар ким боласини усули жадида мактабиға берса, “ўзи кофир, хотуни талоқ” бўлушини форсий тил ила узун ва ҳаяжонли бир нутқ ила халойиқға билдуруб...” ўтганлиги хабари берилади. Бу нутқдан сўнг ҳеч ким бир оғиз ҳам гап айтмай тарқалади. Бу билан муаллиф қарорни нафақат оддий аҳолига, балки бутун мусулмонларга ҳақорат сифатида йўлланганини айтиб ўтади. Унинг “Бизни ҳоллар ва ишлар”⁵⁰, “Тарихи ихтирои башар”⁵¹, “Сарт сўзи мажҳулдир”⁵² номли материалларида ҳам муҳим халқаро мавзуга оид масалар қаламга олинган.

Юртимизда бугунги кундаги ўзига хос шарҳловчилик мактаби хусусида сўз кетганда “Хуррият” газетасининг ўрнини алоҳида қайд этиш лозим. Газетанинг бешинчи саҳифаси дунёда содир бўлаётган ва юртимизда кечаётган жараёнларни шарҳлашга бағишланган. Бу саҳифанинг доимий шарҳловчилари Иброҳим Норматов, Абдували Сайбназаров, Шарофиддин Тўлаганов каби

49 Бехбудий М. Танланган асарлар //Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б. Қосимов. – 2-нашри. – Т.: “Маънавият”, 1999. – Б. 160-161.

50 Бехбудий М. Танланган асарлар //Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б. Қосимов. – 2-нашри. – Т.: “Маънавият”, 1999. – Б. 161-163.

51 Бехбудий М. Танланган асарлар //Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б. Қосимов. – 2-нашри. – Т.: “Маънавият”, 1999. – Б. 170-171.

52 Бехбудий М. Танланган асарлар //Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б. Қосимов. – 2-нашри. – Т.: “Маънавият”, 1999. – Б. 193-199.

журналистлар юртимизда халқаро шарҳловчилик мактабларининг ривожланида ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Уларнинг фаолиятига 2014 йилги “Хуррият” газетаси мисолида баҳо бериш мумкин:

Газета сони:	Материал номи:	Қисқача мазмуни:	Муаллиф:
№ 51-52 (908) 24.12.14.	Давлатчилик салоҳияти	Давлатимизнинг халқаро майдонда илгари сурган таклифлари, ташқи сиёсатдаги ҳамкорлик алоқалари хусусида	Абдували Сайбназаров
№ 47 (903) 19.11.2014.	Беқарор оламда барқарорлик бўлмайдими	“Ёввойи маданият экспансияси” урчиб, кадриятлар оёқости қилинаётган бир шароитда баркамол авлодни камол топтириш масаласи	Абдували Сайбназаров
№46 (902) 5.11.2014.	БМТ ва жаҳон	Тарихий илдизларидан бугунги фаолиятигача тўлиқ маълумот келтирилади.	Иброҳим Норматов
№44 (900) 22.10.2014.	Ўзбекистон: халқаро пахта бозори етакчилари сафида	Ўзбекистонда ўтказилаётган туб илоҳотлар, фаол инвестиция сиёсати ва бошқалар ҳақида	Абдували Сайбназаров
№ 43 (899), 15.10.2014.	Лоқайдлик – сиёсатга ёт	МДХнинг Минск саммити ҳақида	Иброҳим Норматов
№ 42 (898), 8.10.2014.	Дипломатик малҳамнинг шифобахш хусусияти	Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги фаолияти хусусида	Иброҳим Норматов
№ 40 (896), 24.09.2014.	Тинчлик эъзози	Ўзбекистон таўқи сиёсий фаолияти концепсияси маъно-мазмуни ва дунёда кечаётган жараёнлар хусусида	Абдували Сайбназаров
№ 39 (895), 17.09.2014.	Муроса мулоқоти – тинчлик кафолати	Президентнинг ШХТдаги Душенбе нутқи таҳлили	Иброҳим Норматов
№ 38 (894), 10.09.2014.	Таълим, тарбия тинчлик ва тараққиёт гарови	Дунёдаги саводсизлик муаммосига бир назар	Шарофиддин Тўлагаганов
№ 35 (891), 20.08.2014.	Бугунги дунёни англаш маъсулият	Ёшларни бугунги дунё қонуниятларидан хабардор қилиш хусусида	Иброҳим Норматов
№ 34 (890),	Балога айланган	Эбола номини олган безгак эпидемияси	Шарофиддин

13.08.2014.	эбола	хусусида	Тўлагаганов
№ 33 (889), 06.08.2014.	Миграция: фойда ва ютқизиқ	Жаҳондаги миграция инқироzi хусусида	Шарофиддин Тўлагаганов
№ 32 (888), 30.07.2014.	Замон технологиялари ва ақлий муносабат	Замонавий технологиялардан фойдалнишнинг ижобий ва салбий томонлари хусусида	Шарофиддин Тўлагаганов
№ 30 (886), 16.07.2014.	“Автомобилдан сақланинг”	Йўл транспорт ҳодисалари хусусида	Шарофиддин Тўлагаганов
№ 28 (884), 2.07.2014.	“Тилло” томчилар	Жаҳондаги сув муаммоси хусусида	Абдували Сайбназаров
№ 26 (882), 18.06.2014.	Иккинчи ер йўқ	Глобал иқлим ўзгаришлари хусусида	Шарофиддин Тўлагаганов
№ 25 (881), 11.06.2014	Одам муаммоси – олам муаммоси	Ер юзида кенг тарқалаётган очарчилик, камбағаллик хусусида	Абдували Сайбназаров
№ 24 (880), 4.06.2014.	Қурол-яроғ савдоси – олам ғавғоси	Қурол-яроғ савдоси ва уни олдини олиш зарурати хусусида	Шарофиддин Тўлагаганов
№ 23 (879), 28.05.2014.	Глобал замонда болалар муаммоси	Болалар муаммоси бир нечта давлатлар мисолида таҳлил қилинган	Шарофиддин Тўлагаганов
№ 22 (878), 21.05.2014.	Ўзбекистон-Хитой: вақт синовидан ўтган дўстлик	Ўзбекистон –Хитой муносабатлари хусусида	Абдували Сайбназаров
№ 21 (877), 14.05.2014.	Иқлим ўзгаришларини қарорлар билан бартараф этиб бўлармикан?	XXI асрдаги иқлим ўзгаришининг инсониятга кўрсатаётган таъсири хусусида	Шарофиддин Тўлагаганов
№ 20 (876), 07.05.2014.	Осойишта яшаш ҳуқуқи	Тинчликни асраш ва мустаҳкамлаш хусусида	Абдували Сайбназаров
№ 19 (875), 30.04.2014.	Меҳнат бозори: ечимини қутаётган муаммолар	Дунёда аҳоли бандлиги масаласи хусусида	Шарофиддин Тўлагаганов
№ 18 (874), 23.04.2014.	Тинчлик шиори ҳамиша хамроҳимиз	Тинчлик неъматиди хусусида	Шарофиддин Тўлагаганов
№ 17 (873), 16.04.2014.	Хушёр бўлинг, ахборот тўри	Интернатдаги ахборий хуружлар хусусида	Абдували Сайбназаров
№ 16 (872),	“Маза” қилиб яшаб	Сохта демократия хусусида	Иброҳим

09.04.2014	қол		Норматов
№ 14 (870), 26.03.2014.	Сувни сероб деб ўйламанг	Чучук сув муаммоси хусусида	Шарофиддин Тўлаганов
№ 12-13 (869), 21.03.2014.	Тинялик – бебаҳо неъмат	Юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик омиллари хусусида	Абдували Сайбназаров
№ 11 (867), 12.03.2014	Сув...ҳаёт келтирсин	Йирик гидроиншоотлар қуриш яхши самара бермаётганлиги хусусида	Шарофиддин Тўлаганов

Бу жадвал фақатгина битта газетанинг 2014 йилги материаллари мисолида тузилди (унга бошқа муаллифларнинг шарҳлари киритилмади). Бу эса миллий журналистикамизда шарҳлаш журналистикаси бўйича ўзига хос мактаб аллақачон яратилганини, халқаро шарҳловчилар маҳорати ёш журналистлар учун ибрат мактаби бўлаётганлигидан далолатдир.

Мутахассислар шарҳловчи уч хислатга эга бўлиши кераклигини таъкидлашади. Бу – жасорат, маҳорат ва башорат.⁵³ Миллий журналистикамиз олдида турган муҳим вазифалардан бири эса шу каби хислатларни ўзида жо қилган бўлғуси журналистларни тарбиялаш, уларни давлат ва миллат адвокатлари яъни ҳимоячилари сифатида жамият ҳаётига олиб киришдан иборат.

⁵³ АбдуҳолиқовИ. Халқаро шарҳ жанрининг долзарб масалалари. Электрон оммавий ахборот воситаларида маънавий-маърифий масалаларнинг ёритилиши: назария ва амалиёт (илмий мақолалар тўплами), 2012. – Б. 49-54.

II БОБ. ХАЛҚАРО ШАРҲ ТАЙЁРЛАШ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ: ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

2.2. Inosmi.ru медиа порталида берилаётган халқаро шарҳлар таҳлили ва далиллар тўплаш маҳорати

Inosmi.ru (“инострнные СМИ”нинг қисқартирилган шакли) – медиа интернет портал бўлиб, 2004 йил февралдан ўз ишини бошлаган. Унда хорижий ОАВ материалларининг рус тилидаги тўлиқ таржимаси онлайн тарзида ҳар куни жойлаштириб борилади. Нашрларларнинг катта қисмини жорижий журналистларнинг таҳлилий материаллари (албатта, Россия билан боғланган) ташкил этади. Информацион характердаги материаллар деярли учрамайди.

ИноСМИ.ru домени 2001 йилда рўйхатга олинган. Ташкил этилган кундан 2009 йил феврал ойининг сўнгигача лойиҳани Ярослав Огнев бошқарган. Портал қуйидаги устунлардан ташкил топган:

[МирСНГ и БалтияРоссияМультимедиаВсе за сегодняИноВидеоФорум](#)

ИноСМИ.ru да хорижий материаллар билан бир қаторда портал учун маҳсус ишловчи экспертларнинг ҳам материаллари жойлаштирилади. Бирок улар дунёда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг барчасига ҳам ўз муносабатини билдиришмайди.

ИноСМИ.ru порталининг журналист-экспертлари:

Нана Яковенко – Москва давлат университетини тамомлаган, иқтисодчи. МГИМО халқаро энергетика сиёсати ва дипломатия институтининг эксперти. У 2015 йилда қуйидаги материалларни эълон қилган:

- [09/05/2015Запад и праздник Победы в Москве](#)
- [22/04/2015Будущее доллара как мировой резервной валюты](#)
- [10/04/2015Время, которое Запад вернуть не может](#)
- [31/03/2015Останется ли Британия в ЕС](#)
- [17/03/2015Великобритания действует наперекор США](#)
- [02/03/2015 Искусственный интеллект — новая сфера гегемонии](#)
- [09/02/2015Британский политолог о «структурных предпосылках» украинского кризиса](#)
- [26/01/2015Давос](#)

-
- [20/01/2015](#) Жизнь вокруг новых технологий
-

Дмитрий Добров – Москва давлат университети қошидаги Осиё ва Африка давлатлари институтини тамомлаган. Халқаро муносабатлар бўйича мутахассис. Узоқ муддат Яқин Шарқ, Германия ва Австрияда журналист ва таржимон бўлиб ишлаган. 2015 йилда порталда эълон қилган материаллари қуйидагиларни ташкил этади:

- [21/05/2015](#) Сможет ли Евросоюз остановить поток нелегальных мигрантов
 - [12/05/2015](#) Распад Османской империи: процесс продолжается
 - [28/04/2015](#) Европейцы протестуют против ТТIP
 - [20/04/2015](#) Йеменский конфликт вышел на новый уровень
 - [03/04/2015](#) Китай бросает вызов финансовой гегемонии Запада
 - [03/03/2015](#) Ливия — угроза стабильности в южном Средиземноморье
 - [19/02/2015](#) Греция бросает вызов Евросоюзу
 - [06/02/2015](#) Аравийскому полуострову угрожает дестабилизация
 - [23/01/2015](#) PEGIDA меняет политическую карту Германии
 - [12/01/2015](#) Руководство Германии допускает выход Греции из еврозоны
-

Илья Плеханов - [«Искусство Войны»](#) алманахи бош муҳаррири. Ҳарбий корреспондент сифатида «қайноқ нуқталар»да фаолият олиб борган. "Форбс", "Слон.ру", "Солдате удачи", "Братишке", "Независимая газета" ва бошқа нашрларда материаллар эълон қилган. 2015 йил 24 май ҳолатига кўра қуйидаги материалларга муаллифлик қилган:

- [25/02/2015](#) Зарубежный военлит: что проходит мимо российского читателя
 - [16/02/2015](#) Военные новости: бахнуть килотоннами по России?
 - [10/02/2015](#) Военные новости: в мире военных частников
 - [31/01/2015](#) Военные новости: будет ли война с Россией?
 - [22/01/2015](#) Как «Тойоты Хаоса» попадают в Халифат
 - [19/01/2015](#) Военные новости: ставки повышаются
-

Порталнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, ундан фойдаланувчилар халқаро майдондаги воқеа-ҳодисаларга ҳар-ҳил ракурсдан қарашлари мумкин.

Шунингдек, битта масалани турли давлатларнинг позицияси нуқтаи-назаридан баҳолаш ҳамда холис хулоса чиқариш имкониятига эгалар.

Бугун Ямандаги вазият тобора кескинлашиб бормоқда. Натижада жаҳон ОАВ томонидан мавзуга доир кўплаб материаллар эълон қилинмоқда. Қуйида Яман масаласига Россия, Германия, Туркия, Франция (ИноСМИ.ру порталидаги шарҳлар мисолида) ва Ўзбекистон (Sharh.uz сайти мисолида) нашрларида эълон қилинган халқаро шарҳлар мисолида баҳо беришга ҳаракат қиламиз.

ИноСМИ.ру портали махсус эксперти Дмитрий Добров шу йилнинг 20 апрел куни **“Ямандаги конфликт ўзининг янги босқичига кўтарилди”** (**“Йеменский конфликт вышел на новый уровень”**)⁵⁴ деб номланган шарҳини эълон қилди. У масалани ёритишни воқеанинг тарихий илдизларини таҳлил қилишдан бошлайди. Хусусан, 1934 йилда Саудия Арабистонининг Асир, Нажран, Жизан каби яман вилоятларини (провинция) тортиб олиши воқеалар ривожининг дастлабки нуқтаси бўлган. Гарчи Яманнинг собиқ президенти Абу Абдулла Солиҳ 2000 йилда чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисида баёнот берган бўлсада, яманликларнинг кўпчилиги бу вилоятларни ҳали ҳам “ўзиники” деб ҳисоблашади. Ямандаги бугунги вазиятнинг юзага келишига туртки бўлган яна бир сабаб, деб ҳисоблайди муаллиф, “араб баҳори” доирасида бошланган 2011 йилдаги “демократик” яман революциясидир. Шундан кейин “рангли” инқилоблар бўлиб ўтган барча давлатлар каби Яманда ҳам хусийлар билан ички курашлар авж олиб кетди. Эътиборлиси шундаки, муаллиф ҳар гал инқилоблар хусусида сўз кетганда АҚШ ва Ғарбни намоишларнинг қўллаб-қувватловчиси сифатида талқин этади, буни ўқувчига сингдиришга ҳаракат қилади. Д.Добров воқеалар занжирини бир-биридан узмаган ҳолда давом эттиради. Уруш сабабини яна тарихга – 1962 йилга бориб тақайди. Яъни ҳозирда суннийларнинг катта қисми томонидан бошқарилаётган Яманда республика инқилобига қадар (1962 йилгача) хусийлар мамлакатнинг

54 <http://inosmi.ru>.

“ҳукмдор”лари эди. Эслатиб ўтамиз, ҳозирда ҳусийлар ҳаракатининг “Ансоруллоҳ” сиёсий партиясирақиби “Мусулмон биродарлари” билан чамбарчас боғланган суннийларнинг “Ислоҳ” пратиясидир.

Шарҳни ўқиш давомида “Ансоруллоҳ” ҳаракати Эрон томонидан қўллаб-қувватланаётгани маълум бўлади. Аввалига Саудия Арабистони Яман пойтахти – Сананинг эгалланишига бирмунча бефарқ бўлиб турганди, бироқ “Ансоруллоҳ” жангариларининг жанубга томон ҳаракатланиши саудияликлар ва уларнинг америкалик итифокдошларида ҳусийларнинг Эрон қўлида “ўйнаётганликлари” тўғрисидаги тахминларни юзага чиқарди. Бу фикрни муаллиф Эроннинг шияларни қурол билан таъминлаб бераётгани, ҳусий жангариларининг Эритриядаги ҳарбий лагерларда машғулот ўтказаяётганлиги тўғрисидаги фактлар билан далиллайди. Шунингдек муаллиф “кўпчилик мутахассислар” фикрига таяниб, Ямандаги ҳарбий операцияни Америка Қўшма Штатлари уюштирган деган фикрни илгари суради. Буни АҚШ давлат котибининг қуйидаги сўзларини келтириш орқали янада мустаҳкамлайди: “Эрон шуни билиши керакки, АҚШ ҳеч қачон кимдир бошқа давлат чегараларини бузиб, очиқ уруш бошлашга уринса, шунчаки қўлини қовуштириб ўтирмайди.”

Урушга аралашган ҳар бир давлат, албатта, ўз эҳтиёжларини ҳам ёддан чиқармайди. Муаллиф фактлар орқали АҚШ ва бошқа Ғарб давлатларининг манфаатларини бир нуқтага жамлаганини кузатамиз. Масалан, Франция Ар-Риёдни ҳусийларга қарши жангда қўллаб-қувватлаш орқали Саудия Арабистонидан ҳарбий ва бошқа соҳаларда кўплаб буюртмалар олишни кўзда тутди.

Умуман олганда муаллиф вазиятни баҳолашда тарих далилларига асосланиб иш кўради. Бу эса рус журналистикаси учун характерли бўлган хусусиятдир. Немис журналистикасида эса буни тамоман аксини кўриш мумкин. Улар тарихий илдизларни келтиришдан кўра, гапни бугунги жараённинг ўзига баҳо беришдан бошлашни маъқул топишади. Буни 2015 йил 3

апрелда порталга жойлаштирилган **“Кто, с кем и за что воюет в Йемене?”**⁵⁵(["Deutsche Welle"](http://www.dw.com), [Германия](#)) материали мисолида кўриб чиқамиз.

“Янгиликлар панарамасида Ямандаги вазият қуйидагича манзара касб этмоқда: бир тарафдан Эрон қўллаб-қувватлаётган шиялардан ташкил топган хусийлар, иккинчи тарафда эса Саудия Арабистони “карамоғидаги” суннийлар. Умуман олганда кучлар нисбати анча мураккаб.”

Киришда муаммога тўғридан-тўғри мурожаат этилган. “Яман”, деб давом этади муаллиф, “араб давлатлари ичида энг ночор давлатлардан биридир. Аҳолининг умумий сони 25 млн. кишини ташкил этади. Уларнинг деярли ярмидан кўпи – суннийлар, қолгани шиялардан иборат. Мамлакатнинг катта қисмини шия қўзғалончилари – хусийлар ўз назорати остига олишган. Улар Яман пойтахтини эгаллашди. Шияларни қурол билан Эрон таъминлаб турибди. Суннийлар – Саудия Арабистони бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда қўзғалончиларга ҳаво зарбаларини йўлламоқда. Бир қараганда Ямандаги манзара худди шундай, бироқ аслида Яманда ҳамма бир-бирига қарши урушмоқда (в Йемене идет война всех против всех с меняющимися фронтами).”

Шарҳ муаллифи вазиятни қисмларга бўлиб таҳлил қилишни маъқул топади. Бу эса ўқувчини маълумотлар орасида чалкашиб қолишдан асрайди. Шарҳ ёзиш технологиясида бу усулдан фойдаланиш муаллифларнинг ҳам материал орасида “ўтлаб” кетишини олдини олади. Ушбу шарҳ ҳам “Конфликтлар тугуни” (**“Клубок конфликтов”**), “Шия жангарлари нимага интилмоқда?” (**“Чего добиваются боевики-шииты?”**), “Ал-Қоида ҳаммага қарши уруш олиб бормоқда” (**“«Аль-Каида» воюет против всех”**) ҳамда “Саудия Арабистони ва Эрон ўртасидаги кимўзар ўйини” (**“Соперничество между Саудовской Аравией и Ираном”**) каби ички сарлавҳалардан ташкил топган. Улардан биринчисида мамлакатдаги зиддиятлар ҳудудий ва сиёсий характерга эгаллиги таъкидланади. “Яманда ягона давлат бошқаруви тизими

55 <http://inosmi.ru/world/20150404/>.

шаклланмаган эди. Армия ва давлат аппарати икки тарафга ажралиб кетган бўлиб, кўпчилик қисм собиқ президентни қўллаб-қувватласа, бошқалар собиқ диктатор Солихга бўлган ишончлари устида мустаҳкам туриб олган.” Давлатда ва аҳоли ўртасида якдилликнинг йўқлиги урушнинг асосий сабабини белгилайди. Бунга муаллиф киришдаёқ ишора бериб, “Яманда ҳамма бири-бирига қарши урушмоқда ” деб айтиб ўтган эди. Бу фикрини у асосий қисмда янада тўлдиришга ҳаракат қилади.

“Шия жангарлари нимага интилоқда?” кичик сарлавҳаси остида қилинган таҳлиллар орқали шияларнинг мақсадини очиб беришга уринади. “Жангарилар яъни хусийлар ўзларини “Ансоруллоҳ” деб атайдилар. “Аллоҳ буюк, Америкага ўлим, Исроилга ўлим, яҳудийларга лаънат, исломга ғалаба”. Бу сўзлар ҳаракатнинг шиори эди. Хусийлар бутун Яманни ўз назоратига олишни тахмин қилгандилар. Бироқ улар жанубга томон ҳаракатида “Ал-Қоида” қаршилигига дуч келишди”. Гапни “Ал-Қоида” билан тугатган муаллиф кейинги қисмда айнан шу гуруҳ ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилади.

Шарҳнинг сўнгги қисмида икки қарама-қарши тарафнинг ҳаракатларига баҳо берилади. Ким ким учун курашаётгани айтиб ўтилади: “Ямандаги фуқаролар уруши “учинчи кўл” тарафидан бошқарилаётган уруш тусини олмоқда. Яман сиёсатчиси Валид аль-Сакафнинг гувоҳлик беришича, Эрон денгиз ва ҳаво йўллари орқали хусийларни қурол-аслаҳа билан таъминлаб бермоқда. Бунга жавобан Саудия Арабистони ва бошқа суннийлардан ташкил топган иттифоқ (коалиция) хусийларга қарши ҳаво зарбаларини йўллашни бошлаб юборди. Зиддиятга бораётган ҳеч бир тараф музокаралар олиб бориш ҳақида ўйламаяпти. Боз устига конфликтни “тартибга келтирувчи” (затянувшего) ҳарбий қарордан ҳам дарак йўқ.”

Немис журналистикаси мамлакатдаги вазиятга умумий баҳо беришдан қочади, айбдорларни ҳам қидирмайди. Хулоса чиқаришни ўқувчи ихтиёрига топширади. Россия шарҳи билан солиштирганда бу шарҳда аниқлик

(конкретлик) устунлик қилади ва бу ҳар бир давлатнинг шарҳ тайёрлаш технологияси бир-биридан фарқланишини кўрсатади.

Туркиянинг “Milliyet” нашрида **босилган “Нима учун Ямандаги уруш узоққа чўзилиши мумкин?” (Почему война в Йемене будет долгой?)**⁵⁶ номли шарҳи порталга 2015 йилнинг 1 апрелида жойлаштирилган. Шарҳ муаллифи Нихат Али Озджан (Nihat Ali Özcan). Шарҳ ёзиш усули немис усулига бироз ўхшаб кетсада, айнан уни такрорламайди. Шарҳда башоратчилик хусусиятини илғаб олиш мумкин. Худди футбол шарҳларидек гапни ҳозир давом этаётган жараён билан баҳолаш орқали муаллиф воқеага ўзгача тус беради:

“Саудия Арабистони ва унинг иттифоқчилари хусийларга қарши бомба ёғдиришда давом этмоқда. Бироқ натижалар шуни кўрсатмоқдаки, ҳаво зарбалари энди ҳеч қандай натижага олиб келмайди. Бугунги вазият худди Ироқ, Сурия, Ливиядаги вазиятни такрорламоқда. Ҳозир Яман ҳам урушлар сахнасига айланиб бормоқда.

Давомли урушнинг хусусиятини турли хил сабаблар билан изоҳлаш мумкин: Саудия Арабистони ва Эрон ўртасидаги зиддиятларнинг Яман ҳудудида кесишиши; давлат институтларининг барбод бўлиши; Яман географияси ва геополитикаси, ва ниҳоят, урушдаги номуаносиблик.”

Муаллиф Яманнинг ҳам давомли уруш ўчоғига айлани бораётганини таъкидлаб ўтади. Бунинг сабабларини юқоридаги икки шарҳда учрамаган мисоллар билан бойитади. Шарҳда Яман президенти Мансур Ҳади араб давлатлари Лигаси саммитида иштирок этиб, хусий жангариларини “Эрон кўғирчоқлари” деб атайди. Эрон лидерлари ҳам бу сўзга жим қараб туришмайди. Шунингдек муаллиф мамлакатнинг ички аҳволини шарҳлашга ҳаракат қилади. Яманнинг барча соҳаларда – соғлиқни сақлаш, маориф, суд тизими, ҳарбий соҳаларнинг орқада қолаётгани, аҳолининг кўпчилиги ишсиз, қашшоқликда кун кечираётгани, моддий ресурсларнинг етишмаслиги,

56 <http://inosmi.ru/world/20150404/>.

гиёҳвандликнинг авж олиши, шунингдек турли мазҳаб, қабила ва гуруҳларнинг бир-биридан ажралганлигини ички сабаблар сифатида келтириб ўтади. Хулосада Саудия Арабистонининг қироли Салмоннинг “Ямандаги қуролли ҳаракатлар у ерда хавфсизлик тўла таъминланмагунча давом этиши” ҳақидаги сўзларини келтиради. Бу эса уруш мураккаб характер касб этиши, хали-бери тўхтамасдан, барчани тинка-мадорини қуритишидан далолатдир.

Гувоҳи бўлганингиздек, уччала шарҳловчи битта мавзунинг ёритишга ҳаракат қилса ҳам, уларнинг мавзуга ёндошувлари турлича. Россиянинг шарҳида урушнинг бош сабаби сифатида Ямандаги вилоятларнинг саудияликлар томонидан тортиб олиниши ҳамда “демократик” яман революцияси келтирилса, Германия бунинг сабаби мамлакатнинг ягона бошқарув тизими мавжуд эмаслиги, ҳар ким аравани ўз томонига тортишга интилаётгани, яъни яқдилликнинг йўқлигида деб ҳисоблайди. Россия журналистикасида тўполонлар “ташкилотчи”си АҚШ ва Ғарб деб келтирилса, Германия айбдорлар ҳақида фикр юритишдан чекинади. Туркия эса урушнинг бош омили деб ички аҳволнинг мураккаблиги ва ҳеч қайси тараф ён беришни истамаётганлигини таъкидлаб ўтади. Франциянинг бу масалада қарашлари қандай? Буни қуйидаги материал орқали изоҳлаймиз.

“Почему Эр-Рияд начал вмешательство в Йемене?”⁵⁷

(["Atlantico"](#), [Франция](#). Оригинал варианты: [Crise au Yémen : ces raisons qui expliquent vraiment l'intervention militaire saoudienne](#)31/03/2015 15:33)

“25 мартдан 26 мартга ўтар кечаси Саудия Арабистони бошчилигида ўнлаб давлатлар (суннийлардан ташкил топган давлатлар) Яманга (Арабистон яриморолидаги энг қашшоқ мамлакат) катта шаҳарлар, жумладан пойтахт Санани, шунингдек 25 мартда Адан аэропортигининг эгаллаган исёнчи ҳусийлар ҳаракатини тўхтатиш учун ҳаво зарбаларини йўллади.”

57 <http://inosmi.ru/world/20150404/>.

Шарҳ бўлиб ўтган воқеа тўғрисидаги маълумотларни келтириш билан бошланмоқда. Бу шарҳ ёзиш технологиясининг анъанавий шаклларида бири: аввал содир бўлган воқеа ҳақида хабар берилади, сўнгра у таҳлил қилинади. Бу ерда муаллиф шарҳнинг шарҳ-интервью туридан фойдаланган. “**Atlantico**”нинг саволларига **Ролан Ломбарди**(*Мағриб ва Яқин Шарқда халқаро муносабатлар бўйича мутахассси.*) жавоб беради. Материал чуқур таҳлилга асосланган. Авваломбор нашр хусийларнинг асли кимлиги ҳақидаги маълумотларга ойдинлик киритади. (Atlantico: Кто такие хуситы?) Саудия Арабистонининг би ишга нима учун аралашаётгани тўғрисидаги мунозара масалани янада аниқлаштиради. “ – Сўнгги ойларда хусийларнинг ғарбга таъсири кучайиб бормоқда. Улар Қизил денгиздаги Ходейда портини, шунингдек мамлакат жанубининг марказидаги нефт объектлари жойлашган ерларни эгаллашди.” Худди шу нуқта курашаётган ва уларни қўллаб-қувватлаётган тарафларнинг манфаатлари тўқнашган нуқта ҳисобланади. Араблар ҳеч қанақасига Эронга Адан қўлтиғи ва Баб-эл-Мандебск бўғозига (Жибути ва Яман оралиғида жойлашган) ҳужум уюштиришларига йўл қўёлмайди. Чунки бу ердан кунига 3млн. баррел нефт ўтади.

Порталда берилаётган ҳар бир шарҳ масаланинг янги томонларини, очилмаган қирраларини ўқувчи кўз ўнгида жонли гавдалантиради. Ҳар бир шарҳда ўқувчи вазият моҳиятини очиб берувчи фактлар билан тўқнашади. Бу эса аудиторияни битта давлат позицияси таъсирига тушиб қолишдан асрайди. Франция нашри қолган шарҳларда эътибор қаратилмаган нефт масаласига ўқувчи диққатини тортади. “Қора олтин”га эгалик қилиш эса кўпгина давлатларнинг орзуси ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан ҳам Яман қандай манфаатлар нуқтасига айланганлигини кўриш мумкин.

Айнан шу мавзуга Ўзбекистоннинг муносабати қандайлигини Sharh.uz сайтида берилган “**Ажралиш учун бирлашган миллат**”⁵⁸шарҳи мисолида кўриб чиқамиз. Сарлавҳанинг ўзиданоқ мавзунинг бирмунча долзарблигини англаш мумкин. У ўқувчида мавзу юзасидан бир нечта тахминлар пайдо қилса

58 <http://Sharh.uz/> Шарофиддин Т. Ажралиш учун бирлашган миллат. (Якшанба, 29 Март 2015 12:31).

хам бир қарашда ўзининг сирлилигини сақлаб қолади. Ўқувчи шубҳасиз тахминларининг қайси бири тўғрилигини аниқлаш мақсадида шарҳни ўқишга киришади. **“Шанба куни Мисрнинг Шарм-эш-Шейх шаҳрида бошланган Араб Давлатлари Лигасининг саммитида Ямандаги вазият муҳокама қилинди. Анжуманда каолиция кучларининг Яман ҳудудларига ҳаводан бераётган зарбалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Саммит ишида БМТ бош котиби Пан Ги Мун ҳам иштирок этди.”**

Муаллиф киришда “муҳокама қилинди” жумласини кетма-кет ишлатиб, тафтологик хатога йўл қўйган(бундан ташқари матнда бир нечта орфографик хатолар ҳам бор). Бунга асосий сабаб муаллифнинг матн таҳририга эътиборсизлиги ёки таржима санъатидан оқилона фойдалана олмаганидандир. Шарофиддин Тўлагановни маҳоратли шарҳловчи эканлигини ҳисобга олганда, у асосий эътиборни муаммони очиб беришга қаратгани ва ва бунга етказиш усулига аҳамият бермаганлигини тахмин қилиш мумкин. Шарҳни ўқиш асносида ўқувчи сарлавҳага қўйилган тугунни ечиш учун уни охиригача ўқиш кераклигига амин бўлади. **“Мамлакатдаги вазият кескинлашиши ва айрим давлатларнинг элчихоналарини Санадан Аданга кўчириш тўғрисидаги қарорига қарамай, БМТ Санада ўз ходимларидан айримларини қолдиришга қарор қилди. БМТ бош котибининг расмий вакили ўринбосари Фархан Ҳақнинг айтишича, инсонпарварлик масалалар бўйича БМТ мувофиқлаштирувчиси Йоханнес Ван Дер Клау ҳамон Санада фаолиятини давом эттирмоқда.**

Шарҳловчи бу маълумотларни узатар экан, ўқувчиларда унга нисбатан муносабат ҳам уғотади. Масалан, вазиятнинг кескинлашувига қарамай, БМТнинг айрим ходимларининг ўша жойда қолишини қаҳрамонлик сифатида қабул қилиб бўлмайди. Шундай вазиятларда ўша ерда бўлишга ва вазиятни юмшатишга ярамаган ташкилотнинг кераги бормикан деган ҳақли савол кўпчилиكنи ўйлантириши табиий албатта.

“Эслатиб ўтамиз, АҚШ, Германия, Япония каби давлатлар Ямандаги элчихоналари фаолиятини тўхтатган бўлса, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистони ўз элчихоналарини Аданга кўчирди.”

Бу эслатма “узоқдаги дўстлардан яқиндаги қўшни яхши” эканлигини билдириб туради. Сарлавҳага келсак, тарихдан маълумки, Яман иккита – Яман Араб Республикаси ва Яман Халқ Демократик Республикасига бўлиниб кетган ва 1990 йилга келибгина ҳар икки қисм бирлашиб Яман Республикаси тузилган. 2014 йилда Яман Республика Иттифоқи тузиш ҳақидаги қарор тасдиқланди. Муаалиф шарҳнинг охирида “Яман нимага бирлашган эди? Ўшанда бу жараён ажралиш учун бирлашиш бўлганмиди, ёки бирлашиш учун ажралиш?” саволи билан мурожаат этар экан, хулоса чиқаришни ўқувчи ихтиёрига ҳавола этишни маъқул топади.

Бугун Ироқ, Афғонистон, Ливия, Яман, шунингдек Украина давлати номлари уруш сўзи билан бир қаторда тилга олинмоқда (бунга бошқа мисоллар ҳам талайгина). Урушаётган инсонларнинг барчаси ҳам аслида нима учун урушаётганликларини билишмайди. Кимдир бир тарафнинг ёнини олса, иккинчиси қоралайди. XX аср урушларига гувоҳ бўлган тарихчи Морис Пиртон таъкидлаганидек, “энди уруш махсус элита сифатида ҳарбийлар машғулоти эмас, балки бутун жамият ишига айланди ва айни вақтда кучни меъёрга, рационал қўллашда чегара билмаган вахшийликка ўтиш содир бўлди.”⁵⁹ Яман биздан тахминан 2.625 км. узоқликда жойлашган мамлакатдир. Бироқ у ердаги тўполонлар ҳар бир миллатни огоҳликка, миллат хавфсизлиги борасида қайғуришга чорлаб туради, шу жумладан ўзбек халқини ҳам. Айнан мана шу жиҳат миллий медиаолашимизда халқаро шарҳларнинг қанчалик зарурат эканлигини кўрсатади. Чунки шарҳ нафақат инсонларни хабардор қилиш

⁵⁹<http://Sharh.uz/> Абдумаликов Р. Urushga qarshi eng yaxshi shior bu - "urushmang!". (Душанба, 06 апрел 2015 21:07).

функцияси билан, балки уларни огоҳлантириш хусусияти билан ҳам журналистик жанрлар орасида беқиёс аҳамиятга эга.

2.1. Uza.uz ҳамда Sharh.uz веб сайтида халқаро шарҳларнинг берилиши: ютуқ ва камчиликлар

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги давлат расмий ахборот манбаи ва мамлакатдаги ахборот агентлигидир.

Агентлик солномаси 1918 йили Тошкентда РосТА бўлими очилганидан бошланади. Кейинчалик у ТАСС тизимидаги ЎзТАГ – Республика Телеграф Ахборот агентлигига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан 1992 йил 5 февраль кунидан эътиборан агентлик Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) сифатида қайта ташкил этилди.

Бугунги кунда ЎЗА Ўзбекистон Республикаси давлат органлари фаолияти ва мамлакатдаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларни тўлалигича ёритиб келмоқда. Агентликнинг вилоятлардаги мухбирлар тармоғи мамлакатнинг барча ҳудудларидаги ўзгаришлар ва янгиликлар ҳақида тезкор ва обектив ахборот узатиш имконини беради.

ЎЗА ахбороти ўзбек, рус, инглиз, француз, немис, испан, араб ва хитой тилларида тарқатилади.⁶⁰

Чиндан ҳам бу агентлик нафақат оддий аудиторияни, балки юртимиздаги ОАВнинг ҳам ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда. Ҳатто энг нуфузли нашрлар саҳифаларини вароқлар экансиз, ундаги материаллар остида “ЎЗА дан олинди”, “...ЎЗА мухбири ” каби жумлаларни ўқишингиз мумкин. Биргина “Хуррият” газетасининг 2014 йил 24 декабр сонида “Хар бир хонадонда байрам шукуҳи”⁶¹ (2- саҳифа), “Парламент сайлови Ўзбекистон халқининг ҳамжиҳатлигини намойиш этди”⁶² (2- саҳифа), “Маҳалла –

⁶⁰ uza.uz.

⁶¹ http://uza.uz/oz/society/ar-bir-khonadonda-bayram-shuku-i-23-12-2014?sphrase_id=537277

⁶² <http://uza.uz/oz/society/parlament-saylovi-zbekiston-khal-ining-amzhi-atligini-namoyi-22-12-2014>

маънавият ўчоғи”⁶³ (4- саҳифа), “Суратларда ватан манзаралари”⁶⁴ (4- саҳифа), “Яна бир янги самолёт”⁶⁵ (7- саҳифа) каби материалларни эълон қилишда ЎЗА материалларидан фойдаланганлигини кўрасиз. Агентликлар ва ОАВ орасидаги бу ҳамкорлик яхши, бироқ шу ўринда бир жиҳатни эътибордан четда қолдириб бўлмайди: нима учун ахборотларнинг асосий фойдаланиш манбаси бўлган ушбу агентлик сайтида халқаро шарҳлар деярли учрамайди? ЎЗА ахбороти ўзбек, рус, инглиз, француз, немис, испан, араб ва хитой тилларида тарқатилишини ҳисобга олсак, унинг мана шу тилларда ҳам ўз ўқувчилари бор. Бу аудитория мамлакатимизнинг бирор халқаро мавзуга (воқеага) қандай муносабат билдираётганига албатта қизиқишади. Миллий аудиториямиз учун бу камчилик балки бироз сезилмас, чунки улар ўзбек ва рус тилларида чиқадиган бошқа кўплаб нашрларни кузатиш имконига эгалар. Лекин бизнинг позициямиз, қарашларимиз билан қизиққан ташқи аудитория ҳамма нашрлар билан ҳам танишиб чиқолмайди. Бу эса Ўзбекистоннинг ахборот бозорини ҳар-хил йўналишдаги материаллар билан таъминлаб бераётган миллий ахборот агентлиги дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар юзасидан ўз шарҳларини бериб бориши керак деган хулосани юзага чиқаради. Бу биринчидан, ахборотларни ҳамма учун тушунарли бўлишини таъминласа (таҳлил қилтиш нуқтаи-назаридан), иккинчидан, мамлакатнинг аниқ позициясини кўрсатиб беришда жуда катта аҳамият касб этади. А.А. Тертычный ўзининг “Жанры периодический печати” китобида шундай ёзади: “Халқаро мавзунини тўғри ёритиш мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсатининг мавқеини мустаҳкамлайди, салоҳиятини оширади. Шу жиҳатдан қараганда матбуот нашрларидаги таҳлил ва шарҳнинг кенг қўлланилиши кишини хурсанд қилади.”⁶⁶ Афсуски, Тертычныйни қувонтирган ҳолат бизнинг бугунги нашрларимизда жуда

63 http://uza.uz/oz/society/ma-alla-manaviyat-cho-i-17-12-2014?sphrase_id=537289.

64 http://uza.uz/oz/society/suratlarda-vatan-manzaralari-23-12-2014?sphrase_id=537293.

65 http://uza.uz/oz/business/yana-bir-yangi-samolyet-22-12-2014?sphrase_id=537295.

66 Тертычный А.А. Жанры периодический печати, М.: 2000. – С. 119-120.

“камнамо”. Масалан 2014 йил ва 2015 йилнинг 27.05. ҳолатига нисбатан олиб қаралганда “Фан” устуни остида фақатгина битта халқаро шарҳ эълон қилинган ва бу шарҳ ўзида “бетараф позиция” хусусиятини намоён қилади:

Оксфорд университети олимлари йирик гидроиншоотлар қуриш мақсадга мувофиқ эмаслигини асослаб берди⁶⁷

“Дунёдаги қадимий ва энг нуфузли тадқиқот марказларидан бири – Оксфорд университетининг (Буюк Британия) бир гуруҳ етакчи олимлари чуқур комплекс тадқиқот ўтказиб, ривожланаётган мамлакатларнинг энергия таъминоти муаммоларини кўп маблағ талаб қиладиган гидроэлектр станциялар қуриш орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида илмий асосланган хулосага келди.”

Сарлавҳа сайт услубига ҳос бўлган “кичик хабар” шаклида тақдим этилмоқда ва киришда ўқувчига айтилмоқчи бўлган фикр аниқ баён этилган. Бир қарашда бу материалга кўз югуртириб чиққан ўқувчи буни халқаро шарҳ сифатида қабул қилмаслиги, унга фандаги битта тадқиқот деб қараши мумкин. Бироқ материални халқаро шарҳ дейишга етарлича асос бор. Биринчидан, унда кўтарилган мавзу фақатгина битта мамлакат доирасида чегараланиб қолмайди. Унда йирик ГЭСлар қурмоқчи бўлган мамлакатларни огоҳлантириш хусусияти мавжуд; иккинчидан, йирик ГЭСларни қуриш натижасида бир қатор экологик муаммолар юзага келади; учинчидан, ҳудуд атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг хавфсизлиги масаласини эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

“Оксфорд университети олимлари А.Ансар, Б.Флайбьерг, А.Бадзиер ва Д.Ланн замонавий статистика услубларидан фойдаланган ҳолда, сўнгги 70 йилда беш қитъа ва 65 мамлакатда қурилган 245 йирик тўғонни таҳлил қилиб,

⁶⁷<http://uza.uz/oz/science/oksford-universiteti-olimlari-iirik-gidroinshootlar-urish-masadga-muvofi-emasligini-asoslab-berdi-27.06.2014-32964>.

йирик гидроэнергетика иншоотларини куриш нечоғли мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масала юзасидан илмий асосланган ва далиллар билан исботланган батафсил тадқиқотни тайёрлади. Тадқиқот натижалари “Энергетика сиёсати” халқаро журналида чоп этилган “Йирик тўғонлар барпо этиш керакми. Гидроэнергетик мегалойиҳаларни амалга оширишнинг реал қиймати” мақоласида баён этилган.”

Асосий қисмда фактлар тўплаш маҳоратидан усталик билан фойдаланилган. “70 йилда беш қитъа ва 65 мамлакатда қурилган 245 йирик тўғон таҳлили” тўғрисидаги статистиканинг келтирилиши муаммонинг қанчалик чуқурлигини белгиласа, иккинчи томондан шарҳдаги фикрларнинг ишончлилигини оширади.

“Тадқиқот давомида йирик мегатўғонларни барпо этиш бундай лойиҳалар қийматининг шиддатли ўсиши билан боғлиқлиги аниқланган: баландлиги 100 метр бўлган тўғонни қуриш, одатда, 50 метрлик тўғонни қуришдан тўрт марта қимматга тушади. Олимлар тўғонларнинг лойиҳалаштирилаётган ва якуний қиймати ўртасидаги фарқ мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасига боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратган.”

Материални таҳлил қилишда масаланинг кўпроқ молиявий ва иқтисодий тарафларига эътибор қаратилган. Шунингдек, экологик жиҳати борасида ҳам сўз юритилган. Таҳлиллар натижасида замонавий йирик тўғонлар қуришда озгина адашиш ҳам ҳатто ривожланган йирик мамлакатларнинг иқтисодий аҳволини мураккаблаштириши мумкин, деган хулосага келинади. “Шунингдек, муаллифлар ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматлари катта миқдордаги қарз маблағларини жалб этиш эвазига амалга ошириладиган ва мамлакатнинг молиявий аҳволи ва иқтисодий истиқболини хавф остига қўядиган йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишдан тийилиши лозимлигини тавсия этилади”.

Бу тадқиқот яна бир бор жуда кўп тортишувларга сабаб бўлган Тожикистонда қурилиши мўлжалланган Роғун ГЭС масаласида давлатимиз

позициясининг қанчалик ҳақ ва асосланганлигини кўрсатади. Лекин шарҳда бу жихат тилга олинмаган. Шарҳ якунида кўрсатилиши керак бўлган позиция бетарафлигича қолган.

Мультиредактор. Ру. сайтида шарҳ (комментарий) жанри қуйидаги белгисига қараб ажратиш мумкинлиги айтилади: бу каби материалларда асосий ўринни долзарб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган воқеа-ҳодисалар (албатта, бу фактлар аудиторияга яхши таниш бўлиши лозим)га нисбатан муаллифнинг шахсий ёндашуви эгаллайди. Шарҳ муаллифи муаммони аниқ ифода этади, уни таҳлил қилади ва ва энг қаймоғини аудиторияга тақдим этади.⁶⁸

2014 йил Сочида ўтказилган қишки олимпиада ўйинлари долзарб ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган воқеалардан биридир. Унда Ўзбекистон шарафини уч нафар спортчи (Миша Ге, Ксения Григорьева, Артём Воронов) ҳимоя қилди. Россиянинг “Россия 1” телеканали орқали жонли эфирвақтида шарҳловчи Дмитрий Губерниев Ўзбекистон терма жамоасини: “Тожикистон терма жамоасини олқишлаймиз”, – деб таништирди. Бу ҳолат аввало бутун Ўзбекистон халқини, шунингдек бошқа давлатларда яшаётган юртдошларимизни ҳам анча кайфиятини туширди. Интернет фойдаланувчилари Губерниевга мурожаат қилиб, узр сўрашини талаб қилишди, Фейсбукда Губерниевга қарши флешмоб саҳифаси, твиттерда эса тролл-суратлар оммалашиб кетди.⁶⁹ Бироқ бизнинг нашрлар орқали масала юзасидан айтарли ҳеч қандай шарҳ ёзилмади.

Мулоҳазалар юзасидан хулоса сифатида шуни айтиш ўринлики, миллий нашрларимизда эълон қилинган шарҳлар ўқувчини ноҳолис ёки бизга қарши ғояга хизмат қилувчи материаллар тўрига илиниб қолишдан сақлайди. Дунё

⁶⁸<http://мультиредактор.ру>. Термин комментарий.

⁶⁹<http://sayyod.com/forum/33-950-1>.

жамоатчилиги олдида ўзимизнинг мустақил қарашларимиз, позициямизни намоён қилишга имкон яратади. Шунингдек, биринчи мурожаат этиладиган манбалар ҳамиша ўз саҳифаларида тезкор, холис хабарларни чоп этиши, ўқувчини эътиборини энг долзарб масалаларга қаратишда таҳлилий усуллардан самарали фойдалана билиши лозимлигини кўрсатади.

Халқаро шарҳларни узатиш жиҳатидан “<http://sharh.uz/>” сайти фаолиятига ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз.

SHARH.uz сайти ҳақида⁷⁰

Ташкил этилиши: SHARH.uz сайтини ташкил этиш лойиҳаси 2012 йилнинг октябрида юзага келган ва 2013 йилнинг январ ойидан ООО «Billur COM» домен ва хостингларни рўйхатга олиш фирмаси томонидан рўйхатга олинган.

Таъсисчи: “SHAMSUTDINOVS BUSINESS GROUP” масъулияти чекланган жамияти.

2013 йил 19 июлида Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан оммавий ахборот воситаси сифатида 0984-сонли Гувохнома билан рўйхатдан ўтган.

Таҳририят:

Бош муҳаррир: Б.Шамсутдинов

1. Сиёсат, иқтисодиёт бўлими
2. Жамият, муносабат бўлими
3. Адабиёт ва санъат бўлими

Сайтнинг мақсади – миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, фуқароларни ишончли ва холис ахборотлар билан таъминлаш борасида, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларида бериб борилаётган мақола ва маълумотларга шарҳлар тайёрлаш.

Мақсадни амалга оширишдаги вазифалар:

⁷⁰ <http://sharh.uz/sayt-haqida>

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элларда чоп этилаётган газеталар, интернет сайтлар, журналлар, турли тўпламлар, бютенлар, китобларда чоп этилган ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий, спорт йўналишларидаги энг долзарб, қизиқарли деб топилган, миллий манфаатларга мос келувчи мақолаларни тўлиқ (ёки қисман) шаклда ёки улар ҳақидаги шарҳларни ўзбек тилида (кейинчалик рус, инглиз тилларда) чоп этиш;

- Маҳаллий ва чет эл ОАВлари, интернет сайтларида берилган маълумотларни манбаасини кўрсатган ҳолда қайта чоп этиш, уларга муносабат ва шарҳлар тайёрлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг мавжуд қонунлари асосида жамоатчилик фикрини шакллантириш, аҳолининг турли қатламлари ўртасида сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида фаолият юритаётган маҳаллий газеталарнинг аҳоли ўртасида оммалашганлиги даражасини аниқлаш юзасидан сўровлар ўтказиш, танловлар ташкил этиш ҳамда бу йўналишдаги чет эл ва халқаро ташкилотлар лойиҳаларида иштирок этиш ва бошқалар.⁷¹

Сайтда эълон қилинаётган шарҳларнинг эътиборли жиҳати шундаки, шарҳловчилар ўз материалларига сарлавҳа танлашга алоҳида эътибор қаратадилар. Қуйидаги жадвалда 2014 – 2015 йилларда эълон қилинган ўзига хос сарлавҳали материаллардан намуна келтирамиз:

№	Материал номи:	Жой-ган вақти:	Муаллиф:
1.	Қачон халқ бўласан, эй оломон ёки ҳеч қачон халқ бўлмайдиган оломонинг жиноятлари ҳақида	Шанба, 04 Апрель 2015 18:07	Азимжон Пулатов Сиёсий шарҳловчи, Sharh.uz эксперти
2.	Urushga qarshi eng yaxshi shior bu - "urushmang!"	Душанба, 06 Апрель 2015 21:07	Rivojiddin Abdumalikov
3.	Ажралишучунбирлашганмамлакат	Якшанба, 29 Март 2015 12:31	Шарофиддин Тўлаганов, Сиёсий шарҳловчи, Sharh.uz эксперти.

71 Қаралсин: 2 боб, 2-фаслга илова.

4.	Ямандаёмонбўлмоқда?	Шанба, 28 Март 2015 12:58	Абу Муслим (интернет маълумотлари асосида тайёрлади).
5.	XXI асрдаги Герострат авлодлари	Душанба, 23 Март 2015 13:56	Шарофиддин Тўлаганов.
6.	Нефт нархи кимга қандай таъсир этмоқда?	Жума, 20 Март 2015 13:02	
7.	Олтин қанот қушлар учсин	Якшанба, 08 Март 2015 11:13	Шарофиддин Тўлаганов.
8.	Америка қорбўронлари штатига айланди...ми?	Шанба, 21 Февраль 2015 12:57	Шарофиддин Тўлаганов.
9.	Авиация тарихидаги жумбоқ	Якшанба, 01 Февраль 2015 13:50	Шарофиддин Тўлаганов.
10.	Праймериз ҳақида нималарни биламыз?	Сешанба, 20 Январь 2015 10:25	Шарофиддин Тўлаганов.
11.	Россия ҳали-вери Ойга чиқишни ўйламаяпти	Душанба, 01 Декабрь 2014 17:46	Азимжон Пўлатов.
12.	“Ислом давлати” жанггарилари ковбойларми? ёки ахборот курашида жанггарилар учун Интернетнинг афзаллиги	Чоршанба, 15 Октябрь 2014 15:07	Шаҳзод Исломов Манба: religions.uz

Умуман олганда халқаро шарҳ ёзиш технологиясида сарлавҳалар билан ишлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чиройли ва тўғри танланган сарлавҳа нафақат ўқувчини ўзига жалб қилади, балки материал мазмунини очиб беришга ҳам хизмат қилади. Шарҳ ёзиш, одатда, таҳририятнинг энг тажрибали ва маҳоратли ходимиغا топширилади. Чунки бу жанрдаги материалларни

тайёрлаш мураккаб ва маъсулиятли вазифадир.⁷² Масалан, “XXI асрдаги Герострат авлодлари” деган сарлавҳани топиш учун шарҳловчи, авваломбор, тарихни жуда яхши ўқиган бўлиши лозим. Шарҳда Ироқнинг маданий жихатдан бой, диний жихатдан ранг-баранг шаҳри – Мосул ва бошқа ҳудудларнинг жангарилар томонидан вайронага айлантирилаётгани ҳақида сўз боради:

“Шу йилнинг февраль ойида жангарилар Мосулдаги марказий кутубхонани портлатиб юборган ва ўт қўйган эди. Жаҳондаги энг қадимий деб айтилаётган кутубхона ҳовлисида китоб ва қўлёзмаларни ёқиб, гулхан ясашди. Умумий ҳисобда маданият, фалсафа ва тарихга оид 10 минг том китоб йўқ қилинди. Улар орасида юзлаб манускриптлар бор эди. Жангарилар Мосул музейидаги дурдоналар – минглаб йиллар давомида кўзни қувонтириб турган бебаҳо санъат асарларини бир неча дақиқа ичида ер билан яксон қилди. Жаҳон телеканалларида жангарилар Мосул музейидаги ҳайкалларни бузаётгани тасвирланади. Мутахассиларнинг фикрича, буларни кўргандан кейин тушкунликка тушмай бўлмайди. Чунки бузиб ташланган хайкаллардан бири 2500 ёшда эди.”⁷³

Шарҳда муаллиф шунчаки баён усулидан доим қочиши керак. Келтираётган маълумотларни фактлар орқали далилласа, бу албатта ўқувчида қандайдир муносабат уйғотади. Масалан битта ҳайкалнинг бузилиши ҳақидаги маълумотни ўқувчи шунчаки қабул қилса, 2500 ёшли ҳайкалнинг бузилганлиги тўғрисидаги фактдан албатта таъсирланади. Шунинг учун ҳам шарҳда фактлар билан ишлаш алоҳида маҳоратни талаб қилади.

“Куни кеча террорчилар Мосулдан 40 километрузоқликда жойлашган қадимий оссурияликларнинг Нимруд шаҳрини ер билан яксон қилишди. Террорчилар Юнус пайғамбарнинг қабри ва масжидини ҳам бузиб ташлашди. Бунинг учун жангарилар булдозерлардан фойдаланишди.”

72 Нурматов А., Тўхлиева Н. Шарҳлаш журналистikasi. – Т.: «Баёз», 2013, - Б. 25.

73 <http://sharh.uz/munosabat>.

Бу маълумотнинг факт сифатида келтирилиши “жангариларнинг ҳаммаси мусулмонлар” деган Ғарб қарашини бирмунча четлаб ўтади. Бундай хунрезликлар ортида турган кишилар дин никоби остида Ислом дунёсини қандай қабоҳатларга бориши мумкинлиги ҳақидаги ёлғонни сингдиришга интилаётган ташқи кучлар ҳам бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам шарҳловчи ўз миллий манфаатлари ҳимоячиси сифатида юқоридаги каби фактларни моҳирона таҳлил қилиш орқали одамлар онгида ислом оламига нисбатан шаклланган салбий фикрларни юмшатишга эришиши мумкин.

Шарҳ тайёрлашда эътибор берилиши керак бўлган яна бир муҳим жиҳат плюриализмнинг акс этишидир. Юқоридаги шарҳда мутахассислар ва олимлар (номаълум мутахассислар ва олимлар), БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун, ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова, БМТ қошидаги Жаҳон Сайёҳлик ташкилотининг Бош қотиби (UNWTO) Талеб Рифаи, Ироқнинг БМТдаги доимий вакили Мухаммад Али ал-Ҳаким, Ироқ туризм вазири Адел Фахд аш-Шаршаб, америкалик собиқ дипломат Питер ван Бюрен, Франция Президенти Франсуа Олланд воқеага нисбатан ўз фикрларини ифода этганлар. Деярли барча шахслар террорчиларнинг кўр-кўрона хатти-ҳаракатлари оқибатида инсоният ўзининг тарихий ва маънавий бойлигидан маҳрум бўлаётганлиги таъкидлайди. Бироқ америкалик собиқ дипломат Питер ван Бюреннинг бу борадаги қарашлари бир мунча фарқланади. У Рейтер ахборот агентлиги учун ёзган мақоласида “Ироқдаги археологик ёдгорликларни нафақат террорчилар, балки қуролли можарода иштирок этаётган бошқа иштирокчилар (шу жумладан, АҚШ ҳарбийлари) ҳам вайрон қилмоқда”⁷⁴, деб ёзади.

Шарҳда бугунги кун далили билан бирга ўтмиш фактлари ҳам келтириб ўтилган (бошқа ҳудудларда ҳам содир этилган шу каби жиноятлар). Бу ўқувчига фактларни қиёсий таққослаш орқали масалани баҳолаш, у ҳақда мустақил ҳулоса чиқариш имконини беради.

74 <http://sharh.uz/munosabat>. Тшцаганов Ш. XXIасрдаги Герострат авлодлари. (Душанба, 23 Март 2015 13:56).

Материалда тушунарсиз бўлиб қолган ягона ном Иброҳим ал Кендаридир. “Куни кеча қувайтлик уломолардан бири Иброҳим ал Кендари қадимий Миср эхромлари ва Сфинкс ҳайкалини бузиб ташлаш фикрини илгари сурди”. Уламо сифатига эга бўлган инсон қандай қилиб бундай фикрни илгари суриши мумкинлиги сўроқ сифатида мавхумлигича қолган (балки уломо сўзида қўштирноқ тушиб қолгандир).

“Тарихий обидаларни йўқ қилиш халқнинг ўтмишидан жудо қилишни англатади. Маданият ўзини янгилай олмайди. Йўқ қилинса, қайта тикланмайди. Ироқ, Сурия, Афғонистон, Малидаги қадимий санъат асарлари энди йўқ ва ҳеч қачон қайтмайди. Бу жинойтни сиёсий ва диний жихатдан ҳам асло оқлаб бўлмайди.

Шу ўринда буюк шоиримизнинг “Шухрат қолдирмоққа Геростратдек Диана маъбудин ёқмоқ шарт эмас. Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб шу улуғ бинога бир гишт қўйсак бас”, деган сатрларни эслатиб ўтиш ўринли, деб ўйлаймиз.”

Бу муаллифнинг хулосаси. Хулосада кўпинча воқеага муаллифнинг муносабати кўрсатилади. Бу муносабатни кимдир холис, бошқа кимдир нохолис қараш сифатида баҳолаши мумкин. Бироқ шарҳ муаллифи шундай усулдан фойдаланганки, унда қарши тараф “хонаси” бўм-бўшлигича қолган. “Маданият ўзини янгилай олмайди. Йўқ қилинса қайта тикланмайди. Ироқ, Сурия, Афғонистон, Малидаги санъат асарлари энди йўқ ва ҳеч қачон қайтмайди.” Бу фикрлар айти ҳақиқат ва уни ортиқча муҳокама қилиш шарт эмас.

Бугун дунёда минглаб одамлар ёлғон ахборотлар таъсири остига тушиб қолганлар, балки ана шу таъсир остида ҳаракатланаётган ҳамдирлар. ОАВ эса сиёсий кураш майдонида ядровий қуроллардан ҳам илгарилаб кетди. Биргина манипуляцион технологиялардан фойдаланиб, оммани бошқариш мумкин бўлиб қолди. Ҳозирга келиб “жамиятдаги қараш ва маслақларни назорат қилувчи одамлар жисмоний зўравонлик эмас, оммавий гипноз усулидан кўпроқ

фойдалана бошладилар.”⁷⁵ Демак аҳолини хар-хил таъсирлар остига тушиб қолмасликлари учун миллий медиаолашимизда уларни масаланинг туб моҳиятини тушуниб етишларига кўмаклашувчи шарҳларни бериб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида шарҳ ёзиш технологиясидан яхши хабардор бўлишликни тақозо этади. Қуйида II бобнинг 1- ва 2- фасллари юзасидан қилинган таҳлиллар натижасида чиқарилган – халқаро шарҳ тайёрлаш технологияси бўйича хулосалар мазмуни баён этилади:

1. Шарҳловчи ўз олдига аниқ бир мақсадни қўйиши керак – нима ҳақида ёзмоқчилигини аввало ўзи тушуниб етиши лозим.

2. Шарҳловчи мавзу юзасидаги саволларга жавоб излашдан олдин, ўз олдида турган қуйидаги саволларга жавоб топиши керак: “мен қандай воқеани ёритмоқчиман?”, “мен ўқувчига нима ҳақида гапирмоқчиман, уни нимадан хабардор қилмоқчиман?”, “қайси туйғуларини уйғотмоқчиман?”, “ўзим мавзудан қанчалик хабардорман, шарҳлаш учун билим ва тажрибам етарлими?”, “оппонентларимнинг қандай қаршиликларига учрашим мумкин?”.

Юқорида санаганларимиз шарҳловчи шахси билан боғлиқ ҳолат эди. Энди бевосита шарҳ матнига тегишли жиҳатлар ҳақида.

1. Шарҳнинг сарлавҳаси ўзига хос оригинал, сўроқ мазмундаги, кичик хабар мазмундаги, муаммони тўғридан-тўғри акс эттирувчи, машҳур афоризм ёки парчалар кўринишида ҳамда тугунли бўлиши мумкин. Бу шарҳловчининг маҳоратидан келиб чиқиб, мавзуга мослаб танланади.

2. Шарҳловчи киришда содир бўлган, айти пайтда давом этаётган ёки келажакда содир бўлиши кутилаётган (кутилиши мумкин бўлган) воқеа-ҳодисани ахборот тарзида тақдим этади. Киришда мавзунинг энг муҳим долзарб жиҳати кўрсатилади, лекин унга тушунча берилмайди.

3. Асосий қисмда чуқур таҳлил, муаммонинг илдизини кўра олиш, фактларни тўғри талқин этиш, мутахассисларнинг фикрларини келтириш,

75 Кара-Мурза С. Г. Манипуляция сознанием. – М.: “Эксмо”, 2003. Стр. 45

баъзиларини қаршилангириш, тур хил қарашларни бир нуқтада жамлаш, сабаб ва оқибатларини кўрсатиш, мавзуга янгича ёндашиш каби жиҳатлар устида гап боради.

4. Шарҳловчи якунда ўз фикригагина якун ясайди. Масала юзасидан ўзининг шахсий муносабатини акс эттиради. Чунки халқаро миқёсдаги мавзулар битта шарҳловчининг хулосаси билан тугалланиб қолмайди.

5. Объектни ўрганиш давомида шундай якуний хулосага келиндики, шарҳ материаллари фактларнинг қуруқ баёнидан эмас, уларнинг таҳлили, изоҳидан иборат бўлиши лозим.

1.3. Шарҳда фактлар талқини ва шарҳловчи позицияси

Факт – бу “ҳақиқатда содир бўлган” объектив ҳодиса ёки жараён. А.И. Ракитов “факт” терминини кўп маъноли эканини таъкидлаб, унинг кенг тарқалган учта маъносини келтиради:

1. “Чиндан” деган терминнинг синоними.
2. “Ҳодиса” термининг синоними
3. “Факт” термини “синовларда олинган бевосита эмпирик

маълумотларнинг статистик мазмун-мундарижасини ўз ичига олган қарашларни ифодалашда фойдаланиладиган сўз”⁷⁶

“Журналистика, Реклама, Паблик Рилейшнз” луғат-маълумотномада фактга қуйидагича таъриф берилади: “Факт – аниқ, ўйлаб топилмаган ҳодиса, воқеа, ҳолат. Фактлар воқеликни билиш жараёнида турли усулларни қўллаш орқали аниқланади. Аксарият ҳолларда журналистикада факт деб, ҳодиса, воқеа, вазият, жараён баёни қабул қилинади. Аслида эса бу атама кенг маънода бўлиб, предмет ва ахборот мазмунидаги серқирра ҳодисалар тўғрисидаги аниқ билимни англатади.”⁷⁷

76 Нурматов А., Тўхлиева Н. Шарҳлаш журналистикаси. – Т.: “BAYOZ”, 2013. – Б. 47-48.

77 Журналистика, Реклама, Паблик Рилейшнз. Луғат-маълумотнома. – Т.: “Зар қалам”, 2003. – Б.275.

Шарҳда фактнинг қандай талқин қилиши бевосита муаллиф позициясидан келиб чиқади. Шу вазиятда шарҳловчи бир жиҳатга жуда эътиборли бўлиши керак: фактлар ҳеч қачон бир томон манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида иккинчи томоннинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиш, уни обрўсизлантиришга хизмат қилмаслиги лозим. Бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида, ҳар бир давлатнинг Конституцияда, қонун ва қонуности ҳужжатларида махсус моддалар асосида мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси⁷⁸нинг муқаддима қисмида **“ҳалқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш зарурлигини эътиборга олиб”** ва бошқа жиҳатларни назарда тутган ҳолда бу декларацияни тузиш қайд этилган. Бироқ бугун халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш у ёқда турсин, тинч халқлар орасига душманлик уруғини сочишга интилаётган субъектлар ҳам йўқ эмас. Бу каби ғаразли ишларни амалга оширишнинг бир қанча технологиялари мавжуд. Улардан бири ёлғон ахборотни инсонлар онгига сингдиришдир. Олдиндан мавжуд бўлган, ҳозирда эса ўзининг энг юқори босқичига кўтарилган ОАВ манипуляциясини амалга оширишнинг танланган усулларида бири фактларни бузиб талқин қилиш ёки мавжуд фактни у боғлиқ бўлмаган воқеа-ҳодиса билан улашдир. “XXI асрнинг бошларида” деб ёзади Маркина Ю.В.⁷⁹ “глобал масс-медиянинг мавжудлигига қарамай дунё афғор оммаси 2008 йил 8 августда тунги соат 8 да грузин аскарлари томонидан Жанубий Осетияга бостириб кирилгани, натижада катта қисми тинч аҳолини ташкил қилувчи 2000 га яқин одамнинг ҳаётига нуқта қўйилганидан беҳабар қолди ”.

8 августда CNN “Россия Грузияга бостириб кирди” рубрикаси остида янгиликларни бера бошлади. CNN ни “XX асрдаги ахборот мўжизаси” деб

⁷⁸ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.

⁷⁹ scienceport@yandex.ru Маркина Ю.В. Освещение грузино-осетинского конфликта в зарубежной прессе (09.02.2010).

таърифлашади. Бу халқаро янгиликлар канали суҳандони россия телеканали – “Russia Today” да намойиш этилган грузин занбаракларидан отилган тўплар натижасида ёнаётган Цхинвал лавҳасини кўрсатиб, бу шаҳарни россия армияси томонидан вайрон қилинган Гори (Жанубий Цхинвалидан 30 км. Узоқликда жойлашган) деб айтиб ўтади. Кейинчалик хато кетганини маълум қилишган бўлса ҳам, ёнаётган шаҳар лавҳаси қайта-қайта узатилади. “Билмай қилинган хато” эса ўша жойда унутилади.

Маркина Ю.В. нинг фикрича, Америка ОАВси америкаликлар онгида ўзлари истаган манзарани жонлантириш учун визуал қиёфа ва “моҳирона” ёзилган матндан усталик билан фойдаланишади. Грузия президенти эса “Россиянинг бу босқини нафақат грузин миллатига, балки АҚШ, НАТО, (ЕС)га қарши қаратилган босқиндир”, дейишдан чарчамасди. Фактларни ғаразли ниятда талқин қилиш ва тўхтовсиз узатиш одамларда “босқинчи Россия” ва “кичкина ҳимоясиз Грузия” тушунчаларини шакллантира бошлади.

Мана шундай вазиятларда халқаро шарҳловчилар давлат адвокатларига айланиши лозим. Ўзларининг чуқур таҳлилий мушоҳадалари ва ноҳолис фактларни изоҳлашлари орқали уларга қаратилган ахборот хуружи хавфини камайтиришга эришишлари керак. Биз бу ўринда Россияни айбсиз ёки Грузияни ожиз эканлиги тўғрисидаги фикрни илгари суришдан йироқмиз. Фақатгина дунё амалиётида фактларни бузиб талқин қилиш орқали инсонларни ёлғон ахборотга ишонтириш технологияси борасида сўз юритмоқчимиз.

Гарчи юқорида Маркина Ю.В.СНН нинг бу ишини қораласада, бу ўринда Россия ОАВ ҳам Америкадан қолишмаган ҳолда улар бажарган ишни бемалол уддалаётганлигини қайд этиш лозим. Яқинда Россия ОАВ орқали Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида Улуғ Ватан урушига бағишланган ҳайкални олиб ташланаётганлиги билан боғлиқ бир нечта материаллар эълон қилинди. Интернетда **Гўёки Ўзбекистонда ҳам худди Украинадаги каби воқеаларга ўхшаб Совет давридаги ҳайкалларни кўр-кўрона, миллатчилик нуқтаи-назаридан олиб ташланаётганлиги**, баъзи рус сиёсатдонларининг ҳатто яқин

орада Ўзбекистонда ҳам худди Украинадаги каби “майдон воқеаси” юз бериши тўғрисида ўзларининг сафсаталарини тарката бошлади. Масалан www.centrasia.ru сайтида 2015 йил 20 март куни соат 11:47да **“Вузбекском Ангрене под видом "благоустройства" снесли памятник павшим в Великой Отечественной”** сарлавҳали материал жойлаштирилди. Эътибор қилинг: ободонлаштириш сўзи қўштирноқ ичида берилган. Бу қўштирноқни муаллиф ўқувчида нотўғри тушунча ҳосил қилишга қаратилган техник усуллардан бири сифатида қўллайди. Бугунги кунда юзага келаётган ахборий хуружларнинг кўпчилиги ҳам айнан шундай техник усуллардан фойдаланиш орқали амалга оширилмоқда. Натижада инсонлар осонгина унинг таъсирига тушиб қолмоқда. Энди бевосита фактлар масаласига тўхталсак.

Чиндан ҳам шу ҳайкални олиб ташлаш юзасидан ҳокимликнинг қарори қабул қилинган. Бу факт!, чиндан ҳам мақолада келтирилгандек, ҳар йили 9 майда одамлар бу ерда сана муносабати билан тўпланишарди. Бу ҳам факт! Уруш қатнашчиларидан бири, ветеринарлар бу ҳолатдан балки хафадирлар, шунинг учун ҳам россиялик ҳамкасбларимизга бу ишни тўғри деб ҳисобламаётганларини айтгандирлар. Сабаби ҳар қандай янгилиниш инсонлар ҳаётининг бир бўлагига айланиб кетгунча бир нечта тўсиқларга учрайди. Масалан, таниқли футуролог Элвин Тоффлер ўзининг “Учинчи тўлқин” номли асарида бунга батафсил тўхталади. Унда янги асрга қадам қўяётган инсоният авлодини нималар кутиши, янги давр қандай инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлиши, унгача бўлган вақт оралиғида инсоният нималарга тўқнаш келгани, инсоният талвасаси, одамлар ўртасида келажакка нисбатан умидсиз қараш, бунинг сабаблари хусусида сўз юритади ва муаллиф бу қарашлар янги даврга ўтиш қўрқувини, тахликасини янада кучайтиришини, инсоният ўзининг ҳалокатли қисматига ишониб турган мураккаб вазиятда “... бу дунёда ҳозирги кунда ҳам кишини лол қолдирадиган ва унинг қалбини умидга тўлдирадиган ажойиб куйни тингламоқ мумкин”лигини ёритишга ҳаракат қилади. “Учинчи тўлқин”да муаллиф сўзи билан айтганда “эски” цивилизация тавсифи ва энди

“туғилиб келаётган” цивилизациянинг қандай кўриниш касб этиши ҳар томонлама ёритилган.⁸⁰

Демак маҳаллий аҳоли орасида кимларнингдир ислохотларга тезда кўника олмаслиги табиий жараён. Шу нуқтаи-назардан минн интервьюларни ҳам факт каторига киргазиш мумкин. Мана шу уччала фактнинг ўзи Ўзбекистонга қарши позицияда шарҳ ёзиш учун етарли асос бўла олади. Гарчи Россиянинг одоб-ахлоқ кодексининг 3 бандида журналист манбаси аниқ бўлган ишончли ахборотнигина тарқатади ва шарҳлайди. Журналист ўзи маълум қилаётган маълумотда фактлар билан алоҳида ишлашга мажбур, деб қайд этилган бўлсада, фактларни бузиб талқин қилинган шарҳ орқали рус журналистлари ушбу кодекс нормаларини қўпол равишда бузганликларини айтиб ўтиш жоиз. Бироқ буни исботлашга кетгунча вақт оралиғида кўпчиликнинг онгига бу ахборот ўрнашиб қолган бўлади. Буни олдини олишда, албатта, жанрлар қироли ҳисобланмиш шарҳ тажрибасидан фойдаланиш ўринли. Вазиятга тезкорлик билан баҳо бера олиш, ўқувчилар кўз ўнгида реал воқеликни гавдалантириш ва энг асосийси ўқувчига фактларнинг нотўғри талқин қилинганлигини тушунтириб бериш ахборотлашган жамиятда турли хавфларнинг олдини олишда муҳим ва бирламчи аҳамият касб этади. 2015 йил 27 март соат 10:17да Sharh.uz сайтида “Ангрендаги ҳайкал нима учун олиб ташланди ёки сафсатабозликдан реал вазият сари” номли шарҳ эълон қилинди. Шарҳда очикдан-очик рус журналистларига нисбатан агрессив мурожаат акс этган: “Асосий масалага ўтишдан аввал шуни таъкидлаш керакки, рус ОАВси Украина билан боғлиқ ахборот курашида Ғарб ОАВси билан курашавериб, бошқа давлатларга ҳам шундай муносабатда бўлишга ўрганиб қолишган чоғи. Уларга қарата “ҳей уйғонинглар, тинчланинглар, жазавага тушманглар ахир бу Украина эмас Ўзбекистонку” дегинг келади. Чунки рус ҳамкасбларимиз Ғарб матбуоти билан ким ўзарга турли бўлган, бўлмаган ахборотларни тарқатавериб “вос-вос” бўлиб қолган шекилли.”

80 Элвин Тоффлер. Учинчи тўлқин. (Озод Шарофутдинов таржимаси).

Материални баҳолаганда, бу кириш халқаро шарҳ ёзиш стандартларига тўғри келмаганини айтиш мумкин. Яъни шарҳда муаммонинг ечимидан шарҳловчи ҳис-туйғуларининг устун келиши, пафосга берилиш, позицияни намоён этишда журналистиканинг этик меъёрларига мос келмайдиган сўзлардан фойдаланиш мумкин эмас. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи тарафдан эса тинчлик ҳукм сураётган юртимиз келажагини “майдон воқеаси” билан боғлаш рус сиёсатдонларининг сиёсатдан анча орқада қолганлигини билдиради. Чунки ҳақиқий сиёсатшунос вазиятни бундай баҳоламаган бўлар эди. Шу ўринда шарҳловчининг ғазабланишига етарлича асос бор. Бироқ бизнингча, журналистика ҳар доим холислик принциpidан келиб чиқиб ривожланиши керак. Шарҳнинг асосий қисмида муаллиф вазиятга реал баҳо беришга интилади:

“Бу ҳақдаги тадқиқотимиз давомида маълум бўлдики, мазкур ҳайкал Ангрен шаҳрининг автомобил йўли ёқасида жойлашгани ва анча йиллардан буён қаровсиз ҳолда ётгани, одамларнинг у ерга бориши амри маҳол эканлиги сабабли уни олиб ташлашга қарор қилинган. Ўрнида кўкаламзор ҳудуд барпо этиш режалаштирилган. Ҳайкални олиб ташлаш масаласи тегишли давлат ташкилотлари (Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, шаҳар ҳокимлиги) соҳа экспертлари хулосалари асосида амалга оширилган. Яъни юртимизда бунёдкорлик ишлари давом этаётган бир пайтда бу ҳудудда ҳам қатор ўзгаришлар қилиниши кўзда тутилган.

Ангрен шаҳар ҳокими Иброҳимжон Раҳмоновнинг 12news.uz интернет сайтига берган интервьюсида ушбу ҳайкал ўтган асрнинг 60-йилларида ўрнатилгани ва ҳозирга келиб таъмирталаб ҳолга келиб, атрофидан ўтувчи транспортларга хавф туғдираётган ҳолатда бўлгани таъкидланади.

Шунингдек экспертларнинг фикрича, ҳайкал ҳеч қандай санъат ёдгорлиги сифатида аҳамиятга эга бўлмаган ва уни қайта таъмирлашдан ҳам ҳеч қандай наф бўлмаган.”

Аслида фактнинг ҳақиқий талқини мана шундай. Юқоридаги мисоллар шуни кўрсатадики, биринчидан битта факт ҳам ижобий (асл маъносида), ҳам салбий характерда талқин қилиниши мумкин, иккинчидан шарҳда фактларни қандай талқин қилиш муаллиф позициясидан келиб чиқиб белгиланади.

“Учинчи тўлқин”нинг муқаддима қисмида берилган қуйидаги фикрлар биз тушунтиришга уринаётган мавзу моҳиятини очишга катта ёрдам беради: “Биз ҳозир эмбрионал ҳолатда бўлган эртанги дунёни кеча қабул қилинган андозалар қолипига тикиштириб қўя олмаймиз. Қотиб қолган ижтимоий қоидалар ёки кайфиятлар ҳам бу янги дунёга тўғри келмайди”. Ўзбекистон ҳам мустақилликдан сўнг янгитдан дунёга келди ва у ислохотлар йўлидан дадил бормоқда. Шундай экан, юртимизнинг ҳар бир фуқароси бу йўлда қилинадиган янгиланишларга ҳар доим тайёр туриши, ташқи таҳдидлардан ҳимоялана олиши керак.

Бугунги аср тарихи кўплаб урушларни ўз китобига битиб қўймоқда. Келажак авлод бу урушларни келтириб чиқарган сабаблар билан қизиқса, албатта, аждодларининг ахборотни тескари таъсир эттириш йўли орқали одамлар онгини қанчалик моҳирлик билан бошқарганликларига гувоҳ бўлади. Натижада улар янги бошқарув пултини – манипуляцион технологияларнинг янги усулларини яратадилар ва ахборотнинг таъсир доирасини янада кенгайтирадилар. Бу эса журналистикада ҳимояловчи функцияни бажарувчи шарҳ жанрининг нафақат бугунги кун учун, балки келгусида ҳам ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этишини белгилайди.

Шарҳда “муаммо-реакция-ечим”⁸¹ манипуляцион методидан фойдаланиш ҳам ахборий ҳуружларнинг юзага келиш ҳавфини оширишга хизмат қилади. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: аввал мавжуд ёки ёлғон фактни қўллаш асосида жамоатчилик диққати бирор муаммога қаратилади, сўнгра эса унинг ечим таклиф қилинади. Масалан, 2015 йил 2 февралда соат 20:33 да

81 Коченков В.А. Факторы манипуляции сознания при подачи информации. Квалификационная выпускная работа. – Т., 2012.

Sharh.uzсайтига жойлаштирилган “Бугунги нашрларда: “Озодлик” радиосидаги яна бир ноҳолис ёндашувга ҳолис муносабат” сарлавҳали материал остида “Диёнат” газетаси 5 феврал сонида И.Юсуповнинг “Иллат изламоқдан муддао нима” материали хусусида фикр юритилади:

“Ушбу материалда “Озодлик” радиоси томонидан тўғрилиги, асослилиги текширилмаган, тескари талқин этилган ҳамда ҳаёт ҳақиқатидан йироқ бўлган ахборотлар тарқатилаётганлиги ҳақида сўз юритилган. Мисол учун, **Наманган вилояти Норин туманининг** шошилинч тиббий ёрдам марказида **электр токи тез-тез ўчаётганлиги**, бундай ҳолатда жарроҳлик амалиёти кетаётган бўлса, фонар ёруғидан фойдаланишга тўғри келаётганлиги ҳақидаги хабар қилинган эди. Муаллиф, Исроил Юсупов, мазкур вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида Шошилинч тез тиббий ёрдам марказига борган ва бирлашма бошлиғи, шифокорлар ҳамда беморлар билан суҳбатлашганда “Озодлик” радиоси тарқатган маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаслигини аниқлаган.

Яъни, мақолада хабар берилишича, Норин туманининг шошилинч тиббий ёрдам марказида беморлар учун барча қулайликлар ва шароитлар яратилган. Муаллиф мақола сўнгида “Озодлик” радиосига мурожаат қилар экан, бирор нарсани эфирга беришдан олдин керак бўлса жойига бориб аниқлик киритиш лозимлиги, журналистика ҳаққонийликка, ҳаётийликка таянишини таъкидлаган. Шунингдек, бундай ҳақиқатдан йироқ, тухмату бўҳтонлар радионинг нуфузига путур етказиши мумкинлиги ҳам тилган олинган.”

“Муаммо-реакция-ечим” методига кўра, хабарда келтирилган муаммо жамоатчиликда маълум салбий кайфиятни шакллантириши керак. Бу аҳолининг шу муаммога бўлган реакциясини белгилайди. Аудиторияни психологик жиҳатдан тайёрлаб бўлгач (яъни муаммо мавжудлиги ва унинг оқибатларига ишонтириб бўлгач), унинг ечими сифатида “ҳар ким яхши шарт-шароитда яшаши лозим”, “давлат аҳоли яхши яшаши учун қулай шарт-шароит яратиб беришга мажбур” каби фикрларни пайдо қилади. Натижада халқ ва ҳукумат ўртасида асосланмаган факт таъсирида ишончсизлик ва норозилик кайфияти

авж олади. Ахборот хуружларини яратиш сценарийси ҳам шу каби усулларга таянади. Бундай вазиятларда жамоатчилик онгини ўз вақтида ёлгон фактлар таъсиридан ҳимоялаш шарҳнинг бирламчи вазифасига айланади.

Инсонлар ёлгон ахборотлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун, аввало, ахборотлашган жамият одамига айланишлари лозим. Яъни ҳар бир инсон ахборотларнинг ҳолидан ноҳолисини, ёлгондан ростини ажрата олиш кўникмасига эга бўлиши керак. Чунки бугунги дунёда минглаб одамлар ёлгон ахборотларнинг қурбонига айланиб қолмоқда.

Эътиборингизни Sharh.uz сайтида берилган яна бир материалга қаратмоқчимиз. Шу йилнинг 29 апрел куни соат 13:09 да жойлаштирилган “Ёлгон эмас, ғараз”⁸² материали:

“Бугун «Озодлик» радиоси «Ўзбек хонандалари Қримдаги «россияпарастлар» тадбирида қатнашади» деган хабар тарқатди. Хабарда ёзилишича, «Ўзбек хонандалари Россия ишғол этган Қрим ярим оролида 3 май куни ўтказиладиган байрам тадбирларида иштирок этишади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наталья Нурмухамедова ва “Учқудук” вокал-чолғу ансамбли Қримнинг россияпараст раҳбарияти тарафидан ўтказилажак қрим татарларининг “Хидирлез” байрам тадбирларида қатнашишларини билдирганлар.”

Шарҳда муаллиф бу хабар қанчалик ёлгон фактларга таяниб ёзилганлиги тушунтиради:

“Ёлгон шундаки, мустақилликкача берилган унвонини ҳисобламаганда, бугун Наталья Нурмухамедова ва “Учқудук” вокал-чолғу ансамблининг Ўзбекистон билан, ўзбек санъати билан боғлаб турадиган бирон бир нарса йўқ. Хонанда ҳам, ансамбль аъзолари ҳам сўнгги 20 йилдан буён Ўзбекистонда яшашмайди, уларнинг айримлари Ўзбекистон Республикаси граждани ҳам

⁸²<http://sharh.uz/munosabat/item/4267-yolgon-emas-garaz-ozodlik-radiosi>.

эмас. Улар 20 йилдан буён Россияда яшашади, фаолият юритишади ва кўпчилиги Россия Федерациясининг фуқаролари ҳисобланади. Википедия тармоғида ёзилганидек: «Наталья Нурмухамедова с 1994 года живёт и работает в Москве, участвует в концертах, телепередачах. Преподаёт в Государственной академии славянской культуры...» «Учкудук» ансамбли ҳақида эса матбуотда мана бу сўзларни ўқиш мумкин:» Участники группы являются выходцами из Ташкента, и уже на протяжении многих лет работают в сфере российского шоу-бизнеса...»

Шарҳда фактлар ўқувчини чалғитиш учун хизмат қилиши ҳам мумкин. Буни тарихда мавжуд бўлган фактни бугунги кун билан боғлаш орқали амалга оширилади, худди юқоридаги каби.

Аслини олганда бу хабар эътибор тортишга арзимайдигандек туюлади, бироқ муаллиф уни турк насли икки халқ – ўзбек ва татарлар ўртасига совуқчилик тушириш мақсадида атайлаб тайёрланган деб ҳисоблайди, бундан миллий аудиторимизни хабардор қилишга интилади.

“Бугунги кунда, - деган эди, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов, - инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар Ер қуррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф - инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади.”⁸³

Бугун ёлғон фактлар сингдирилган хабарларни ўзбек халқига қилинаётган ахборот тажовузи сифатида баҳолаш мумкин. Буни тажовуз эканлигини тушуниш учун эса, аввало, воқеаларнинг келиб чиқиш моҳиятини англаб етиш зарур. Бир сўз билан айтганда, ахборот жангида миллий журналистикамизнинг енгилишига, халқимиз онгини ёт ахборотлар бошқаришига ҳеч қанақасига йўл қўйиб бўлмайди.

83 Каримов И.А. “Юксак маънавит – енгилмас куч” Т: "Маънавият",. 2008 – 112 б.

ХУЛОСА

Бугун дунёда якка ҳукмронлик учун кечаётган аёвсиз жанглар тугагани йўқ. Давлатларнинг барчаси жабрланаётган томонга ёрдам қўлини чўзиш ниқоби остида бир қатор хунрезликларни қилишда давом этмоқда. Журналистика асл вазифасидан чекиниб, ахборий урушларни келтириб чиқарувчи, оммавий дидсизликни кучайтирувчи технологияга айланиб қолмоқда. Бир сўз билан айтганда улар “ёмон журналистика” формуласи⁸⁴ ёрдамида ҳаракатланмоқдалар. Ғарбликлар журналистика илмида америкалик медиа магнат Уильям Рендольф Хёрст амалга оширган ғаразли бир ҳақиқатни “ёмон журналистика”га мисол сифатида кўрсатади. Буни Дэвид Рендалл қуйидагича талқин қилади:

“Хёрст сиёсий қарашлари ва газетаси ададини ошириш мақсадида 1898 йил АҚШ ва Испания ўртасида Куба учун бўладиган урушдан манфаатдор эди. Унинг асосий газетаси “New York Journal” ёлғон, сохта ватанпарварлик, диққатни тортадиган мана бундай сарлавҳали мақолалар билан чоп этила бошлади: “Асирларни акулаларга ем қилишди”, “Ўлдирилган америкаликлар учун Испания билан уруш”, “АҚШ тарихида унга нисбатан энг катта ҳақорат”. Хёрстнинг топшириғи билан унинг қўл остидагилар испанларнинг “тошбағирлиги” ҳақида ахборот бериш учун ҳар қандай тубанликларга ҳам қўл уради. Қайси журналист ҳақиқатпараст бўлса, у ҳеч қандай дадил топа олмади, бошқалар эса, қора хаёлларига эрк берди. Улар орасида Фредерик Ремингтон деган рассом ҳам бор эди. У ўша жойда қон тўкилганидан асар ҳам топа олмагач, ҳаммаёқ тинч экани ҳақида Хёрстга телеграфдан ахборот жўнатди. “Ҳаммаёқ тинч. Қўрқинчли ҳеч нарса содир бўлгани йўқ. Уруш бўлмайди, қайтсам дегандим.”

Хёрст жавоб жўнатди: “Илтимос, қолинг. Расмни тайёр қилиб беринг. Урушни мен ташкил этиб бераман”. Бу каби сценарийлардан фойдаланиш

84 Саидов Ҳ. Матбуот – миллий манфаатлар ҳимоячиси. Т.: Маънавият, 2008. – Б.14.

фйни кундаги журналистика учун ҳам бегона эмас. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки:

- Биринчидан, шарҳ аудиторияга ахборот замирига яширилган махфий кодларни ошкор этади.

Халқаро шарҳ халқаро майдонда содир бўлаётган ёки атайин ташкиллаштириш натижасида юзага келган воқеаларни ёритиш асносида аудиторияга ахборотга яширилган махфий кодларни ошкор этади. Яъни ҳар қандай кишида жараёнга нисбатан ҳолис муносабат уйғотади. Ахборотларни саралаш, фактларни қайси манфаатлар учун хизмат қилаётганлигини аниқлаш имконини беради.

- Иккинчидан, шарҳ аудиторияни “оммавий дидсизлик”дан асрайди.

Америкалик лингвист, сиёсий публицисти ва назариётчи, Массачусетс технология институти профессори Аврам Ноам Хомский ОАВ орқали бошқариладиган манипуляцион технологияларнинг ўнта усулини санайди. Улардан биринчиси диққатни чалғитиш. Бу айниқса бозор муносабатлари шароитида оммавий дидсизликни кучайтираётган “сарик матбуот” мисолида янада тезроқ намоён бўлади. “Диққатни чалғитиш” усули орқали инсонлар онги кераксиз ахборий уюм билан тўлдирилади. Бу эса ҳақиқий муҳим масалалар тўғрисида ўйлашга тўсқинлик қилади. Шарҳ орқали эса (газета шарҳи) ўқувчи матбуотда эълон қилинган энг муҳим материаллар билан танишиши, уларнинг таҳлилини кўриб чиқиши мумкин бўлади. Sharh.uz сайтида бу анъана яхши йўлга қўйилган. Сайт саҳифаларида мунтазам равишда “Газеталар шарҳи” бериб борилади. Унда Республикасизда нашр этиладиган газета-журналларда эълон қилинган энг муҳим материалларга шарҳлар ёзилади.

- Учинчидан, шарҳ давлат адвокати сифатида уни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилади.

Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Ганди шундай деган эди: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очилган эшик ва

дарвозаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман.”

Биз демократик йўлни танлаган эканмиз, фаолиятимизни ҳам демократик тамойилларга мос равишда олиб борамиз. Асосий Қонунимиз, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилгандек, ҳар кимнинг ахборот олиш ҳуқуқи қонун йўли билан кафолатланади. Шундай экан, бу қонунни четлаб ўтиб миллий аудиториямизга бизни, кадриятларимизни, сиёсатимизни ёқламайдиган ахборотларни ўқишда чегара қўёлмаймиз. Бундай ахборотлар таъсиридан асраш учун эса уларнинг ахборотдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, миллий журналистикамизда узутилаётган материаллар, хусусан шарҳлар орқали медиатаълим муҳитини яратишга эришиш лозим.

- Тўртинчидан, шарҳ тарғибот воситаси сифатида ахборот хужумкорларига қандай жавоб қайтариш кўникмасини шакллантиради.

Тарғибот тушунчаси бошқа давлатлардан (масалан, Россия) фарқли равишда бизда ижобий ҳодиса сифатида тушунилади. Тереза она номи билан танилган Агнес Гондженинг шундай сўзлари бор: “Мен урушга қарши ўтказилинадиган намоёишларда иштирок этмайман. Тинчлик ҳақидаги намоёишларда эса албатта қатнашаман.” Чиндан ҳам урушга қарши ёзиладиган материалларда уруш сўзи тинчлик сўзидан анча кўп марта қўлланилади. Гарчи бу тинчлик ҳақида ёзилган материал бўлса ҳам, ўқувчи хотирасида у матнда қайта-файта дуч келган сўз мустаҳкамроқ сақланиб қолади. Шу боисдан ҳам юртимизда ўтказилаётган кенг ислохотларни тарғиб қилувчи материалларга тўқнаш келиш ўз-ўзидан аудиторияни ижобий атмосферадан нафас олишга ундаса, иккинчидан, бизга қарши ишловчи ёлғон маълумотлар билан тайёрланган ахборотлар таъсирига бирдан тушиб қолишнинг олдини олади.

XXI асрда ҳам “энг қудратли” деган номга эришиш учун аёвсиз курашлар давом этмоқда. Маҳаллий аҳоли томонидан уюштирилган инқилоблар кучли сиёсий тус олмоқда. Ўтган йиллар давомида тарих қуйидаги инқилобларга гувоҳ бўлди:

- 2003 – Грузиядаги Атиргуллар инқилоби;
- 2004 – Украинадаги Зарғалдоқ ранг инқилоб;
- 2005 – Қирғизистондаги Лолалар инқилоби;
- 2006 – Белоруссияда инқилоб қилишга уринишлар;
- 2008 – Арманистондаги рангли инқилоб қилишга уринишлар;
- 2009 – Молдовада рангли инқилоб қилишга уринишлар.⁸⁵

Не-не инсонларни эркин яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилаётган урушларни айтмаса ҳам бўлади.

Буларнинг бари бизни янада огоҳ бўлишга, халқаро майдондаги воқеаларга бефарқ қарамасликка, ўқувчиларга ўз вақтида воқеаларнинг холис талқинини тақдим этиш лозимлигини англатиб туради. Юртбошимиз ўз нутқларининг бирида, “Мустақиллик дегани шуки, бизлар, асрлар оша бировларнинг оғзига қараб яшаган халқ, ниҳоят, ўз тақдиримизни, ҳаётимизни келажагимизни ўз қўлимизга олдик. Энг муқаддас вазифа — шу буюк неъматни қўлдан бермаслик.”⁸⁶, деган эдилар. Бу вазифани бажаришда эса журналистика асосий таянч нуқтадир. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда шарҳлаш журналистикасини янада ривожлантириш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтирмоқчимиз:

1. Аввало, шарҳлаш журналистикасининг назарий жиҳатларини мустаҳкамлаш. Республикамизда илк бор бу йўналишда ўқув қўлланма 2013 йил А. Нурматов ҳамда Н. Тўхлиева муаллифлиги остида “BAYOZ” нашриётида нашрдан чиқарилган. Бу миллий журналистика назарияси учун қувонарли ҳолат. Бироқ шарҳнинг

85 Алимардонов Т. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. Маърузалар матни. Т., 2014. – Б. 312.

86 Каримов И.А. Иқтисодий ислоҳот: масъулиятли босқич. -Тошкент.: Ўзбекистон, 1994 -.Б.52.

кенг қамровли жанр эканлиги, ўз ичида бир нечта турларга бўлиниб кетишини ҳисобга олсак, унинг ҳали назарий жиҳатдан тадқиқ қилинадиган жиҳатлари талайгина. Шу жиҳатдан бу йўналишда қўшимча дарслик, монография, ўқув қўлланмалар чиқарилса мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Маҳоратли ва бирор соҳага ихтисослашган шарҳловчиларни тайёрлаш. Миллий журналистикамизда шарҳловчилик мактаби яхши шаклланган. Хусусан, спорт шарҳловчилари, сиёсий шарҳловчилар номлари аудитория учун бегона эмас. Журналист- кадрларни етиштиришда уларнинг тажрибаларидан самарали фойдаланиш, таҳририят (радио, ТВ)лар қошида шарҳловчилик маҳорат мактабларини ташкил қилиш ва унга тажрибали шарҳловчиларни жалб қилиш талабаларни шу соҳага ихтисослашишига катта замин яратади.
3. Рағбатлантириш. Журналистика соҳасида энг нуфузли мукофот – Пулицер мукофоти низомига шарҳ йўналиши ҳам киритилган. 1970 йилдан 2014 йилгача жами 45 нафар шарҳловчи бу мукофотга сазовор бўлган. Журналист-кадрларни тайёрловчи факултетлар қошида “Йилнинг энг яхши талаба-шарҳловчиси”, “Шарҳловчи 2015...”, “Энг холис шарҳ учун” каби номинацияларда махсус танлов эълон қилиш ва уларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб рағбатлантирувчи мукофотларни белгилаш. Бу эртага амалиётга чиқадиган талабаларнинг бир тарафдан қаламини чархласа, иккинчи томондан рақобат муҳиtida ўзини тутиш маданиятини шакллантиради.

Энди бевосита танланган объект юзасидан чиқарилган хулосалар ҳамда таклиф ва тавсиялар:

Биринчидан, УзА сайти миллий ОАВни ҳамда бошқа аудиторияларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминловчи сайт эканини ҳисобга олиб, у ўз саҳифаларида чуқур таҳлилга асосланган, юртимиз позициясини ўзида акс эттирувчи шарҳларни бериб бориши керак.

Иккинчидан, Sharh.uz сайти ходимлари сайтга жойлаштираётган шарҳларнинг таҳрир масаласига жуда эътиборли бўлишлари лозим. Ҳа ҳарфларини қўллашда хатоликка йўл қўймаслиги, тафтологик хатоларни бартараф этиши керак. Масалан, “Ажралиш учун бирлашган миллат” шарҳида кетма-кет келувчи иккита гапнинг охири “муҳокама қилинди”, “муҳокама қилинди” тарзида яқунланган. Бу биринчидан, ўқувчини ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига путур етказди. Сабаби сайтга пул тўлаб кирган ўқувчи ундан ноқулайликларсиз фойдаланишни истайди.

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир соҳанинг ривожланиши ундаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва янгиликлар киритиш йўли орқали амалга ошади. Миллий журналистикамиз пайдо бўлгундан то ҳозирги кунгача шарҳлаш журналистикаси ўз тараққиёт йўлини босиб келмоқда. Асосий хулоса шуки, бу дунё келгусида ўзининг ривожланиш босқичини янада янги чўққиларга кўтарар экан, инсонларнинг ахборотни тушунишга бўлган эҳтиёжи янада ортиб бораверади. Бу эса шарҳларга бўлган эҳтиёжнинг ошишидан далолатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси:
XXII чақириқ
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992
йил 8 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикасининг
2014 йил 16
апрелдаги Қонунига мувофиқ қиритилган ўзгартиришлар билан
) . – Т.: «Ўзбекистон», 2015.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот
воситалари тўғрисида» ги Қонуни. Оммавий ахборот
воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий
ҳужжатлар тўплами. – Т., 2009.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари:

2.1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:
«Маънавият», 2008. – Б. 176.

2.2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни
демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация
ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005.

2.3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл –
демократик ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.:
«Ўзбекистон», 2003. – Б. 320.

2.4. Каримов И. А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш, – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б. 24.

2.5. Каримов И. А. «Оммавий ахборот воситалари ходимларига»// «Hurriyat», 27 июнь, 2009.

III. Махсус адабиётлар:

3.1. Абдуазизова Н.А. Туркистон матбуоти тарихи, – Т.: «Академия», 2000. – Б. 238.

3.2. Абдуазизова Н.А. Матбуот ва сўз эркинлиги — олий қадрият, – Т.: «Академия», 2006. – Б. 186.

3.3. Абдуазизова Н.А. Миллий журналистика тарихи, биринчи жилд – Т.: «Шарқ», 2008.– Б.384.

3.4. Абдуазизова Н.А. Миллий журналистика тарихи, иккинчи жилд – Т.: «Шарқ», 2008. – Б.368.

3.5. Абдуазизова Н.А. Тошкент матбуоти – Т.: «Академия», 2010. – Б. 186.

3.6. Абдуазизова Н.А. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш: генезис ва амалиёт – Т.: «Академия», 2011. – Б. 132.

3.7. Авлоний А. Танланган асарлар. – Т.: «Маънавият», 2006. – Б. 304.

3.8. Беҳбудий М. Танланган асарлар. – Т.: «Маънавият», 1999. – Б.280.

3.9. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник. – М.: «КНорус», 2010. – Б. 496.

3.10. Дўстмуҳаммад Х. Ахборот — мўжиза, жозиба, фалсафа. – Т.: «Янги аср», 2013. – Б. 320.

3.11. Дўстмуҳаммад Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва

касб этикаси. – Т., 2011. – Б. 144.

3.12. Журналистлар ихтисослашуви борасида турли йўналишларда ўтказилган ўқув-услубий семинарлар, конференциялар бўйича материаллар тўплами. – Т., 2011. – Б. 278.

3.13. Журналистлар ихтисослашуви борасида турли йўналишларда ўтказилган ўқув-услубий семинарлар бўйича материаллар тўплами. – Т., 2012. – Б. 346.

3.14. Закон и практика СМИ в Европе, Америке и Австралии. – М.: «Галерия», 2000. – Б. 236.

3.15. Закон и практика СМИ в странах СНГ и Балтии. – М.: «Галерия», 1999. – Б. 224.

3.16. Муин Ҳ. Танланган асарлар.– Т.: «Маънавият», 2010. – Б. 256.

3.17. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: «Ғафур Ғулом нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2009. – Б. 380.

3.18. Ким М.Н. Основы творческой деятельности журналиста. Питер, 2011. – Б. 400 с.

3.19. Колесниченко А.В. Настольная книга журналиста. Учебное пособие. – М.: «Аспект Пресс», 2013.

3.20. Колесниченко А.В. Практическая журналистика. Учебное пособие. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2008.

3.21. Лазутина Г.В. Основы творческой деятельности журналиста. –М.: «Аспект Пресс», 2001.

3.22. Мелибоев А. Қабоҳат тўри. – Т.: «ҒафурҒулом нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2013. – Б. 136.

3.23. Мелибоев А. Халқаро шарҳ. – Т., 2013. – Б. 32.

- 3.27. Мўминов Ф.А., Нурматов А.Н., Солиева М.О. Жаҳон журналистикаси тарихи. – Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти», 2006. – 336 б.
- 3.25. Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Т.: «Университет», 1998. – Б. 176.
- 3.26. Нестеренко Ф. ва бошқ. Луғат-маълумотнома: Журналистика, реклама, публик рилейшнз: 1700 та атама. – Б. 400.
- 3.27. Низом Ф. Янгиланиш анъанаси. – Т.: «Маънавият», 1998. – Б. 80.
- 3.28. Нурматов А., Тўхлиева Н. Шарҳлаш журналистикаси. – Т.: «Баёз», 2013. – 96 б.
- 3.29. Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари мавзуида II илмий-амалий семинар материаллари. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2013. – Б. 516.
- 3.30. Профессионал маҳорат сари тўрт кадам. Журналистика бўйича қўлланма. – Т., 2002. – Б. 28.
- 3.31. Сулаймонов И. Мен — журналистман. – Т.: «Шарқ», 2001. – Б. 192.
- 3.32. Саидов Ҳ. Маърифат либосидаги озодлик. – Т.: «Шарқ», 2000. – Б. 160.
- 3.33. Саидов Ҳ. Матбуот — миллий манфаатлар ҳимоячиси. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б. 64.
- 3.34. Тертычный А.А. Аналитическая журналистика. – М.: «Аспект Пресс», 2013. – Б. 352.
- 3.35. Фитрат А. Чин севиш. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти», 1996. – Б. 256.
- 3.36. Фитрат А. Танланган асарлар. – Т.: «Маънавият», 2003. – Б. 256.

- 3.37. Фихтелиус Э. Журналистиканинг ўн қондаси. – Т.: «Шарқ», 2002. – Б. 160.
- 3.38. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: «Университет», 2008. – Б. 234.
- 3.39. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: «Тафаккур», 2011. – Б. 288.
- 3.40. Эрназаров К.Т., Маматова Ё.М., Тошалиев И.Э., Эрназаров Ш.Қ. репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. ЎзМУ, 2002. – Б. 200.
- 3.41. Қаҳҳор Т. Шарҳлаш журналистикаси. Маърузалар матни. – Т., 2006. – Б. 28.

IV. Хорижий адабиётлар:

- 4.1. Writing Commentaries: Queen of Journalism .By Ronald Meinardus
- 4.2. Beyond news – how commentary, criticism and essays fit into our journalism.

V. Даврий нашрлар:

- 5.1. «Hurriyat», 2014 йил таҳламаси.
- 5.2. «Тафаккур», 2-сон, 2014й.

VI. Интернет манбалари:

- 6.1. <http://uza.uz>
- 6.2. <http://www.inosmi.ru>
- 6.2. <http://sharh.uz>.
- 6.3. <http://www.e-tarix.uz>.
- 6.4. <http://www.google.com>
- 6.5. ru.wikipedia.org

